



# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 2-dekabr № 142 (2867) payshanba



**Хар ким билим олиш  
хукуқига эга.  
Бепул умумий  
таълим олиш давлат  
томонидан  
кафолатланади.**

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 41-моддасидан

Суратда: Учтепа туманидаги 81-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Умида Юнусалиева машгулот пайтида.  
Икром ХАСАНОВ олган сурат

## Рух ва тан тарбиячилари

4-бет

Инсон танасида ўсиш, ривожланиш, кўпайиш ва бошқа ҳаётий жараёнларнинг меъёрида бўлиши учун қандай озиқ моддалари зарур? Истеъмом қилиниши лозим бўлган озиқ моддалари меъёридан кўп ёки кам бўлган ҳолатларда у қандай оқибатларга олиб келади? Биз озиқ моддаларининг қандай биологик хусусиятга эга эканлиги, қанчадан ва қачон истеъмом қилишимиз ҳақида, афсуски, етарли билимга эга эмасмиз. Ёш олим аини вақтда иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм бўлиш ва овқатланиш муаммолари мавзусида илмий изланишлар олиб борапти.

## Ўзингизни асранг!

10-бет

Касалликдан сақланиш учун, аввало, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, гиёҳвандлик ва зинодан сақланиш ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилиб яшаш тақозо этилади. Хукуматимиз томонидан ОИВ вирусининг юқиши ва ривожланиши олдини олиш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Шу жумладан, барча ҳомиладор аёллар назоратга олинган бўлиб, тўлиқ лаборатория текширувидан ўтказилади. Никоҳдан ўтувчи ёшларимиз тиббий кўриқдан олдин, албатта ОИВ инфекциясига лаборатория усулида бепул текширилади, айниқса, хорижда ишлаб келганлар суҳбат ва текширувдан сўнг никоҳдан ўтишмоқда.

## Ёвуз ва қасоскор

12-бет

Тун атрофга ўз чойшабини ёйганида яна ҳайвонот олами жонлана бошлайди. Эгизак бўриваччалар қоронғу тушгач, ҳалиги тўқли гавдасини бўлақларга бўлиб, уя атрофига олиб келишади. Алламаҳалда ёлдор етакчилигидаги бўрилар тўдаси узоқ «сафар»дан қайтишганларида болалари нимта қолдигини тозалаётганлигининг устидан чиқишади. Уя атрофида суяк ва жун тутамларигина қолганди. Шунда она бўри асабийлашиб, ириллаганича болаларини дуч келган тарафга тишлаб иргита бошлайди. Кичкинтойларнинг гингиб уяларига яширинишидан бошқа чоралари қолмаганди.

## Тадбир

**Хоразм вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган навбатдаги фаоллар йиғилишида Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузаси муҳокама қилинди.**

## Ғоялар ва таклифлар ҳаётда ўз аксини топсин

Тадбирда сўзга чиққан вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Р.Матрасулов маърузада илгари сурилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларнинг моҳиятини ҳар бир фаол тушуниб, маърузага етиб бориши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

— 2008-2010 йилларда дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда кризисга қарши қўрилган чоралар натижасида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиб бормоқда, — деди Раҳимберган Матрасулов. — Касаба уюшмалари ҳам бу борада ўз тадбирларини белгилаб олганликлари аъзоларимиз ҳаётида ўз аксини топганлиги эътиборга моликдир.

Биз бир нарсага катта эътибор беришимиз керакки, мамлакатимизда демократик тараққиётни таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилашда Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади.

Конституциямиздаги моддаларнинг 29 таси бевосита касабаси уюшмаларига тааллуқлидир. Хусусан, 34-моддада меҳнат жамоаларида касабаси уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи белги-

лаб берилган бўлиб, 59-моддада «Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар» деб аниқ ёзиб қўйилган.

Президентимиз томонидан илгари сурилаган ғоялар, таклифлар, яъни, Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлигини ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ва қонун ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Шунинг учун ҳам меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя этишда қабул қилинаётган жамоа шартномалари ва келишувларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш биринчи навбатдаги ишимиз бўлмоғи даркор.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Юртбошимиз маърузаси мазмун-моҳиятини кенг тарғибташвиқ қилишнинг аҳамияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида тўхталдилар.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Муҳаббат ТҮРАБОЕВА,**  
«Ishonch» мухбири

## Ўқув

## Мароқли ўтди

**Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг ўқув марказида ташкил этилган навбатдаги семинар-тренинг «Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни ёритишда ОАВнинг ўрни» мавзусига бағишланди.**

Икки кун давом этган машгулотларга соҳа мутахассислари таклиф этилди. Айниқса, иқтисод фанлари доктори, профессор Н.Хушматов, республика фермерлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Т.Бозоров, иқтисод фанлари номзоди А.Мухторов ва бошқаларнинг мавзуга оид маърузалари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда республикадаги етакчи нашрлардан вакиллар қатнашди.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**  
«Ishonch» мухбири

## Модернизация

**Кармана туманининг «Нарпай» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Баҳор Интер Осие» хусусий корхонаси томонидан ғишт заводи қурила бошланди.**

## Янги ғишт заводи

Россия технологиясига асосланган, умумий қиймати 460 миллион сўм бўлган ўшбу завод йилига 16,4 миллион дона пишган ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга. Завод тўла қувват билан ишга туширилгач, намунавий уй-жойлар қурилиши арзонлаштирилган пишган ғишт ҳисобига янада жадаллашади.

Шунингдек, бугун ўзгача қиёфа касб этаётган халқаро аэропорт ва кун сайин салобат тўкиб бораётган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг атрофида кўрк очаётган обод гузарлар аҳли ҳам мазкур арзон ғишт афзалликларидан баҳраманд бўлади.

**Мансур ЗОИРОВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Фаргона шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги ахборот-ресурс марказида Асосий қонуни-миз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб ўқувчи-ёшлар ўртасида «Сиз қонунни биласизми?», «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўриктанловлари ўтказилди.**



## Байрамолди тадбирлари

17 мингдан зиёд китоб фондига эга, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган марказ қарий 2 минг 700 нафарга яқин китобхонага хизмат кўрсатмоқда. Марказ раҳбари Матлуба Турғунованинг айтишича, бу ерда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган

маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинади. Ахборотлаштириш ва кутубхона иши соҳасида шаҳардаги умумтаълим мактаблари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)**  
олган сурат

## Касаба уюшмалари ҳаётидан

## Халқаро ҳудудий семинар

**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Халқаро Таълим ташкилоти «Elication International»нинг Осие-Тинч океани минтақавий идораси ўртасидаги ҳамкорлик доирасида «Бозор иқтисодиёти шароитида касабаси уюшмаларининг роли» мавзусида ҳудудий семинар режалаштирилган бўлиб, унинг дастлабкиси Фаргона шаҳрида бўлиб ўтди.**

Унда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан 32 нафар туман ва шаҳар кенгашлари раислари, бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этишди.

Семинарни Марказий кенгаш раиси Носирхон Акбаров касабаси уюшма ташкилотларининг бугунги фаолияти ва келгуси вазифаларига доир мавзу билан бошлаб берди. Шундан сўнг Халқаро Таълим ташкилоти координатори Жером Фернандес маъруза қилди. Қизиқarli баҳс ва мунозараларга бой бўлган семинар иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

— Юртимизда таълим ва фан соҳасида мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар ўз мевасини бермоқда, — дейди Бўз туман бирлашган касабаси

уюшма қўмитаси раиси Ҳ.Шарофиддинов. — Буни Халқаро Таълим ташкилоти томонидан эътироф этилиб, тажриба ва ютуқларимизни ўрганиш мақсадида ҳудудий семинарлар ўтказилиши мисолида ҳам билиш мумкин. Семинарда биз хорижий мамлакатлардаги касабаси уюшма фаолияти билан ўзимиз амалга ошираётган ишларни таққослаш имкониятига эга бўлдик. Бозор иқтисодиёти шароитида аъзоларимизни қандай ижтимоий ҳимоялаш борасида ўз билимларимизни мустаҳкамладик.

Уч кун давом этган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олишди. Ўз навбатида, Ж.Фернандес юртимиздаги таълим соҳасидаги ютуқларни эътироф

этаркан, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатингизга биринчи бор келишим. Юртингизда таълим соҳасига катта эътибор қаратилаётгани ва ўқитувчиларга яратилган шароитлар мени қувонтирди. Буюк алломалар юртида яқин келажакда юксак салоҳият эгалари юлдуз каби порлашига шубҳам йўқ. Таълим ва фан ходимлари ҳимоячиси бўлмиш касабаси уюшма ташкилотлари фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Бизда дунёнинг 32 миллиондан зиёд таълим ходимлари аъзо саналишади. Аммо шуни эътироф этиш лозимки, Ўзбекистондаги таълим жараёнлари, талаба ва ўқитувчиларга яратилган шароитлар дунёнинг нуфузли мамлакатлари билан бемалол баҳслаша олади.

Семинар давомида ўз фаолиятида ўрناق кўрсатган бир неча туман ва бошланғич ташкилот етакчилари фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Навбатдаги семинар Сирдарё вилоятида бўлиб ўтади.

**Абдулхай ЮНУСОВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Мустақиллик иншоотлари

**Когон шаҳрида қурилаётган замонавий иншоотлар сони тобора кўпаймоқда. «Дўстлик» кўчасида бунёд этилган Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази улардан бири.**

## Марказ ишга тушди

Уч қаватдан иборат кўркам мажмуа қурилишига давлат бюджетидан 1 миллиард 194 миллион сўм сарфланди. Бунёдкорлик ишларини Жондордаги «SDF» фирмаси жамоаси белгиланган муддатда амалга оширди.

— Мазкур шаҳарда фаолиятимни бошлаганимга 37 йилдан ошди, — дейди ДСЭНМ эпидемиология бўлими мудирини, олий тоифали шифокор Розия Ражабова. — Мустақиллик туфайлигина шундай қулай шароитда ишлаш насиб этипти. Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг эл саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларига қулай меҳнат шароитлари яратиш борасидаги ғамхўрлигининг ёрқин намуналаридан бири сифатида бунёд этилган ғўзал мажмуада барча имкониятлар мавжуд.

— Ҳукуматимизнинг ғамхўрлигидан чексиз миннатдоримиз, — дейди шаҳар ДСЭНМ бош врачини Улмас Рўзиев. — Биз ҳам, ўз навбатида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шунингдек, оқумли ва соматик касалликлар олдини олишда билим ҳамда тажрибамизни аямаймиз.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаб-ушмаси Марказий кенгаши тармоқ ходимлари Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда Ўзбек Миллий академик драма театрида Конституциямизнинг 18 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ташкил этди.**



## «Ёшларга қанот бўламиз...»

Ёшларга имкон даражасида ғамхўрлик кўрсатиш, кам таъминланган оила фарзандларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иқтидорли талабаларни тақдирлаш мақсадида ташкил этилган анжуманда туман бирлашган касаб-ушма кўмиталари ҳамда олий ўқув юртлари касаб-ушма етакчилари, Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги олий ўқув юртларида тахсил олаётган иқтидорли, ота-онасиз, боқувчисини йўқотган, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар қатнашди.

Тадбирда тармоқ Марказий кенгаши раиси ўринбосари Муроджон Шарифжонов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Маждид Каримов, тармоқ ходимлари касаб-ушмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Озода Каримова сўзга чиқиб, иштирокчиларни қизгин табриклади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоиз-

ки, «Баркамол авлод йили» муносабати билан Марказий кенгаш томонидан шаҳар кенгаши тасарруфидаги олий ўқув юртларида таълим олаётган 19 нафар кам таъминланган талабага бир йиллик шартнома пуллари тўлаб берилди.

Таълим ва фан ходимлари касаб-ушмаси Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфида 15 та олий ўқув юрти (шундан учтаси хорижий — М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, И.Губкин номидаги Россия Давлат нефт ва газ университетининг Тошкент шаҳар филиаллари) мавжуд. Мазкур таълим даргоҳларида 76430 нафар талаба тахсил олмоқда. Улар орасида 260 нафар ногирон, 666 нафар ота-онасиз ва боқувчисини йўқотган ҳамда 6269 нафар кам таъминланганлар бор. Байрам муносабати билан Тошкент шаҳар кенгаши тасарру-

фидаги олий ўқув юртларида тахсил олаётган 200 нафар иқтидорли, ташкилотчи ва жамоатчи талабага шаҳар кенгаши томонидан спорт кийими ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Ёшлар қалбига йўл топишда самимий мулоқот ва амалий ишлар энг ишончли ман-

ба ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаб-ушмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаров. — 500 га яқин талаба иштирок этган байрам тадбиримиз, ўйлайманки, ёшлар билан касаб-ушмаси ўртасидаги маънавий-маърифий кўприк бўлиши билан бирга, кам таъминланган, иқтидорли ва жамоатчи талабалар ҳаётида ёрқин из қолдиради.

Тадбирда 2010-2011 ўқув йили учун Марказий кенгаш томонидан таъсис этилган махсус устама стипендиясининг 32 нафар соҳириндорига гувоҳнома ва пул мукофотлари топширилди. Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси тақдим этган «Тақдир синовлари» спектакли талабалар учун ўзига хос тўхфа бўлди.

Бу эътироф тадбир иштирокчиларининг миннатдор нигоҳлари ва сўзларида акс этди.

— Аввало, қанча улуг кишиларнинг қадами теккан мана шу муқаддас даргоҳда сўз айтиш бахти мени ҳаяжонга солмоқда, — дейди Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси Дилфуза Қосимова. — Бу эътибор ва рағбатнинг самараси ҳаётимда, албатта, ўз аксини кўрсатади. Касаб-ушмасининг устама стипендияси менга яна бир имкон, орзуларимга қанот бўлди.

**Амина ҚОДИРОВА,**  
**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**  
**«Ishonch» мухбирлари.**  
**Икром ҲАСАНОВ**  
**олган суратлар**



**Жисмоний камчиликларига қарамай, метиндек иродасига таяниб, улкан муваффақиятларни қўлга киритган инсонлар ҳақида кўп эшитганмиз. Кўриш бахтидан маҳрум бўлса-да, илм олишга интилаётган ёки қўлтиқтаёқда ҳаракатлана туриб спортда катта ютуқларни қўлга киритаётган замондошларимизнинг ҳаётга бўлган кучли муҳаббати кишини ҳайратлантиради. Мамлакатимизда ногиронларни ўқитиш ва касбга тайёрлаш, реабилитация қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатишга катта эътибор қаратилаётганлиги замирида ана шу неқбинликни кучайтириш мақсади мужассам.**

## 3 декабр — Халқаро ногиронлар куни

Жорий йилда марказнинг моддий-техника базаси муайян даражада яхшиланиб, реабилитация марказларини етук кадрлар билан тўлдириш, хорижий ва маҳаллий тиббиёт марказларида малакасини

муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида ташкил этилган, ҳар бири 50 койка-ўринли 10 та ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказлари фаолият юритмоқда. Шундан 80 ўрин таянч ҳаракат

чаноқ-сон бўғимида эндпротезлаш жарроҳлиги амалга оширилди.

Марказларда фаолият юритаётган врачлар ногиронлар реабилитацияси бўйича Буюк Британия, Германия, Швейца-

## Кутлуғ сана олдидан

**Ўзбекистон Конституцияси миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган. Айни пайтда Бош қомусимиз ўзбекона маданиятнинг маҳсули, таркибий қисми ҳисобланади.**

## Ҳуқуқий маданият ойнаси

Яқинда коллежимизда Конституциямизни ўрганиш мақсадида ташкил этилган тадбирда ҳуқуқ-тартибот ходимлари, устозлар ва ўқувчи-талабалар унинг ҳуқуқий жамият қуришдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида атрофлича сўз юритишди. Ҳуқуқимизни ўрганиш, дўстлик ва билим олиш мавзусидаги саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар иштирокчиларга байрамона кайфият улашди.

Конституциямизнинг 41-моддасида фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи кафолатланган бўлса, 37-моддада ҳар бир шахснинг меҳнат қилиши, эркин касб танлаши, адолатли меҳнат шароитларида ишлаши, қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиши аниқ белгилаб қўйилган.

Қарийб 200 га яқин ўқитувчи ва хизматчилар меҳнат қиладиган коллежимизда ўқувчиларга касб-ҳунар сирларини пухта ўргатишга алоҳида аҳамият берилаётир. Бу йўлда барча имкониятларни ишга соляпмиз.

**Холида ҲАЛИМОВА,**

**Каттаўрғон педагогика коллежи директори**

## Бахтимиз асоси

**Хатирчи туман қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида Конституциямизнинг 18 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилди.**

Коллеж директори Мардон Ғофуров, туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Меҳринисо Пирматова Бош Қомусимизнинг инсон ҳақ-ҳуқуқи ҳимоясидаги ўрни ҳақида фикр юритишди.

Тадбирда ҳуқуқий мавзуни акс эттирувчи саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Бундай тадбирлар вилоятдаги барча корхона ва ташкилотларда ўтказилапти.

**Элвира ТУРСУННАЗАРОВА,**  
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

## Сиз қонунни биласизми?

**«Сиз қонунни биласизми?» мавзусидаги кўрик-танлов ҳар қачонгидан қизиқарли ўтди.**

**Унда талабалар Конституция ҳақидаги ўз билимларини яна бир қарра синовдан ўтказиб олишди. Фахрли 1-ўринни эгаллаган «Адолат» гуруҳи туман босқичига йўлланма олди.**

Эътироф этиш лозимки, ушбу кўрик-танлов ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг бир кўриниши ҳолос. Ҳар ҳафтада «Маънавият соатлари», «Ҳуқуқий сабоқлар» дарслари ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳақида тушунчалар бериб борилмоқда.

Яқинда вилоят Адлия бошқармаси ходимлари билан учрашув ўтказилиб, талабаларни қизиқтирган саволларга тўла жавоб берилди.

**И.БОБОЖОНОВ,**  
**Урганч туман маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқитувчиси**

# Дардлар арийдиган маскан

Жорий йилда тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ва ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш марказлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида анжуманлар ўтказилиши бу борадаги ишларнинг такомиллашишида муҳим аҳамият касб этди.

— Беморлар дардини енгиллатиш, ҳаётда соғлом

одамлар билан тенг имкониятга эга бўлишни таъминлаш бош мақсадимиз, — дейди миллий марказ раҳбари Асқар Мўминов. — Баҳодир Каримов, Дилмурод Рўзиев, Зайниддин Бекмуродов, Маъмура Юсупова, Муҳайё Раҳимова, Чори Шердонаев, Нодира Қосимова сингари тажрибали ва жонкуяр шифокорлар ногиронларни соғломлаштиришда ва ўзларини ҳаётдан мамнун ҳис қилишида кўмаклашмоқдалар.

ошириш, меъёрий-ҳуқуқий ва илмий-услубий асосларини мустаҳкамлаш ишлари бажарилди. Айниқса, Япония ҳуқуқати томонидан ажратилган грант ёрдамида 59 турдаги замонавий функционал-диагностика ва даволаш тиббий асбоб-ускуналари келтириб ўрнатилди.

Бугунги кунда 200 койка-ўринли ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказидан ташқари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий

аъзолари тизими патологияси бўлган ва аксарияти протез-ортопедия маҳсулотларига муҳтож ногирон болалар учун ажратилган. Ҳар йили 15 мингга яқин ногиронга яқка тартибдаги реабилитация дастурига биноан хизмат кўрсатилмоқда. Йил бошидан буён марказда 3433 нафар ногиронга комплекс реабилитация тадбирлари ўтказилиб, шундан 236 нафарига турли жарроҳлик амалиёти қўлланилди. 22 нафар беморнинг

рия, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Россия, Украина, Беларуснинг йирик илмий-тадқиқот марказлари ва клиникалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида малака оширилди. Даволаш-тиклаш, ижтимоий-касбий реабилитация тадбирлари натижасида йил бошидан буён жами 1333 нафар ногирон боладан 226 нафари тўлиқ соғломлаштирилди.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**  
**«Ishonch» мухбири**

## «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — таракқиётимиз таянчи» танловига

### Янгиликка ташна Абдулазиз



**«Бўлар бола бошидан», деган гап бежизга айтилмаган. Ёш олим, биология фанлари номзоди, доцент Абдулазиз Курбонов болалигиданоқ бошқалардан ажралиб турарди.**

Энди мактабга қадам қўйган йиллари кўн боқишни одат қилди. Кўнчаларнинг овқатланишини, бир-бирлари билан ўйнашини соатлаб томоша қилиб зерикмасди. Совуқ киш кунларининг бирида энди туғилган кўнчалари музлаб қолди. Ушанда Абдулазиз жуда таъсирланган эди. У китобга меҳр қўйди. Техника, машиналарга қизиқиш, авиомоделчилик тўғрисида унинг бўш вақтига мазмун бағишлади. Ясаган самолёт моделларини авайлаб, эҳтиётларди.

Бундан ташқари, дельтапланиризм билан шуғулланди. Қарши яқинидаги Кўнғиртоғда дельтапланда учиб, баъзан йиқилиб, енгил жароҳат олган пайтлари ҳам бўлди.

Тиниб-тинчимас Абдулазиз ўрта мактабни битириб, Самарқанд давлат университетининг биология факультетига ўқишга кирди. Бу орада ҳарбий хизматда ҳам бўлиб қайтди.

Диплом ишини бажариш учун Тошкентга, Ўзбекистон Фанлар академиясига йўл олган А.Курбонов профессор К.Раҳимов раҳбарлигида ингичка ичкада овқат ҳазм бўлиши бўйича илмий иш олиб борди.

Тинимсиз изланиш ва сай-ҳаракатлари натижасида аспирантурани муваффақиятли якунлаб, Қарши давлат университетининг физиология кафедрасига ишга қабул қилинди.

Илмий педагогик фаолиятини одам физиологияси, биофизика фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар ўтиш билан бошлаган Курбонов кафедранинг янги ўқув қуроллари, лаборатория жиҳозлари билан таъминлашга ҳам жиҳдий эътибор қаратди. Унинг инглиз ва рус тилларини мукамал билиши хорихда чиққан мақола ҳамда китоблардан тегишли услубий қўлланмалар, материаллар топишида қўл келди.

Янги педагогик технологияларга бўлган қизиқиши туфайли Англиянинг Шимолий Лондон ҳамда Финландиянинг ОУЛУ университетларида малака ошириб қайтди. Малака ошириш жараёнида хорих журналларида мақолалари билан фаол чиқишлар қилди. Унинг доцент Тальят Гаффарова, Шимолий Лондон университети тадқиқотчиси Елена Голфри билан биргаликда чиқарган «Таълимнинг илғор технологиялари» номли ўқув қўлланмасида ноанъанавий ўқитиш усуллари баён этилган эди. Бу қўлланма ўқувчилар томонидан дарсни яхши ва фаол ўзлаштиришга хисса қўшади.

Абдулазиз Курбонов Тошкент ахборот технологиялари университетидан янги инновацион технологиялар бўйича ҳам махсус малака оширди. Эндиликда у Қарши давлат университети профессор ўқитувчиларига шу хусусда маъруза ва амалий машғулотлар ўтмоқда.

Саксондан зиёд илмий педагогик ишлари чоп этилган Курбонов иккита дарсликнинг ҳаммуаллифларидан саналади. «Жисмоний машқларнинг физиологик асослари» ва «Одам фи-

зиологияси» дарсликлари шулар жумласидандир.

— Маълумки, озиқ моддалари деганда инсон танасига овқат билан қабул қилинадиган оқсил, ёғ, карбонсувлар, витамин, минерал моддалар ва сув тушунилади, — дейди ёш олим. — Бу моддаларга бўлган эҳтиёж турли кишиларда турлича бўлиб, кўпинча у ёш, жинс, бажариладиган (ақлий ёки жисмоний) меҳнат тури, миқдори, тезлиги, об-ҳаво шароитлари ва бошқа омиллар билан аниқланади. Овқатланиш тўғри-

# Рух ва тан тарбиячилари

сидаги фан физиология ва биокимёнинг алоҳида тармоғи бўлиб, у нутрициология дейилади ҳамда кўп тармоқли масалаларни қамраб олади.

А.Курбоновнинг Ш.Курбонов ва С.Амиркулов билан биргаликда тайёрлаган «Спортчиларнинг овқатланиши» ўқув-услубий қўлланмаси ўзбек тилида илк бор чиқарилган қўлланмадир. У олий ўқув юртлари, педагогика ва касб-хунар коллежлари жисмоний тарбия факультети ва бўлимлари талабалари, ўқитувчилари ҳамда мураббийларга мўлжалланган. Унда турли спорт машқлари билан шуғулланувчиларда энергияга бўлган талаб, сутка давомида тавсия қилинадиган энергия миқдори, организмда энергия сарфланиши ва бошқалар ҳақида батафсил маълумотлар бор. Оқсил, витамин ва бошқа минерал моддаларга алоҳида ва атрофлича шарҳ берилган. Қўлланма спортчининг машғулот, мусобақа ва тикланиш давларида қандай овқатланишига замонавий биология илмий нуқтаи назаридан ёндашилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Инсон танасида ўсиш, ривожланиш, кўпайиш ва бошқа ҳаётий жараёнларнинг меъёрида бўлиши учун қандай озиқ моддалари зарур? Истеъмол қилиниши лозим бўлган озиқ моддалари меъёридан кўп ёки кам бўлган ҳолатларда у қандай оқибатларга олиб келади? Биз озиқ моддаларининг қандай биологик хусусиятга эга эканлиги, қанчадан ва қачон истеъмол қилишимиз ҳақида, афсуски, етарли билимга эга эмасмиз.

Ёш олим айна вақтда иссиқ иқлим шароитида овқат ҳазм бўлиш ва овқатланиш муаммолари мавзусида илмий изланишлар олиб борапти.

Абдулазиз меҳрибон оила бошлиғи. Уч нафар фарзанди бор. Рафиқи Умидахон Бозорова Қарши маданият коллежида биология фанидан дарс беради.

*Дилафрўзнинг онаси адабиёт ва санъатга ихлосмандлигидан қизи шоира бўлишини орзу қиларди. Табиийки, турли эртактар, шеър ва топишмоқлар руҳида тарбия топган қизчанинг мурғак қалбида шеъриятга муҳаббат эрта уйғонди.*

## Чиннигул момонинг дилбар келини

Лекин у адабиёт ёки санъат йўналишида эмас, инсонлар дардига малҳам бўлувчи тиббиёт соҳасида ўқишни лозим топди. Қарши тиббиёт билим юртида ўқиган кезларида чуқур зеҳни билан устозлари ишончини қозонди.

— Ўқийман давомида тиббиёт сирлари, унинг ўзига хос жиҳатлари мени тамомила мафтун этди, — дейди Дилафрўз. — Қизиқишим сабаб, билим юртида лаборант бўлиб ишга қолиш ҳақидаги устозларим таклифини бажонидил қабул қилдим.

Изланувчан қиз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш учун Қарши давлат университетининг «Педагоги-

равнақиға ўз хиссамни қўшадиغان олим бўлишди.

Шу ўринда айтиш лозимки,

Дилафрўз Ёвқочдиеванинг 2006 йилда «Баҳор тонги» номли илк шеърий тўплами чиққан бўлса, 2007 йилда республика ёш ижодкорларининг аънавий «Зомин-ХI» анжуманида «Энг яхши лирик шеърлар ёш ижодкори» номинациясида голиб деб топилди. Шеърлари вилоят ва республика матбуотида мунтазам ёритиб борилади. Тинимсиз ўқиб-изланишлари натижаси ўларок, 2009 йилда иқтидорли талабалар учун таъсис этилган Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлди.

— Сиз учун шеърият муҳимроқми ёки тиббиёт? Қайси бирига меҳрингиз кучлироқ? — сўрайман ёш шоирадан.

— Шеъриятни севган, тушунган инсон бағрикенг бўлади. Тиббиёт мутахассислари ҳам ўзгалар дардига малҳам улашиб, меҳри ва самимийлиги билан ажралиб туришади. Ҳар иккисининг ҳам қалбида ўхшашликни кўрасиз. Қолаверса, юртимизда ўзи шифокор бўла туриб, гўзал шеърлар ёзадиган ижодкорлар талайгина.

Ибн Сино бобомиз ҳам бежизга тиббиётга оид ўғитларини шеърий усулда баён этмаганлар. Гўзал ва ўлмас шеърлари, ғазаллари инсонларни мафтун этган.

Дилафрўз «Адолат» социал-демократик партияси вилоят кенгашининг «Ёшлар қаноти» етакчиси. Турли учрашув, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил этиш ишларида ҳам ўз фаоллиги билан тенгдошларига камарбаста.

— Ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий саводхонлигини ошириш давр талаби, — таъкидлайди Д. Ёвқочдиева. — Бироқ яратилган имкониятлардан деярли фойдаланмайдиган, вақтини худуд-бехудда сарфлайдиган ёшларимиз ҳам борлиги мени ташвишлантиради. Ахир, юртимизда илм ўрганиш, ўз истеъдодини намойиш этиш учун барча шароитлар мавжуд-ку! Замон талаблари даражасида жиҳозланган таълим масканлари, спорт мажмуалари, турли жамоат ташкилотлари, барча барчаси биз ёшларнинг баркамол ва етук инсон бўлишимиз йўлида фаолият олиб бормоқда.

Навоий, Бобур каби адабиёт гулшанини бебаҳо асарлари билан бойитган аждодларимиз борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларга муносиб бўлиш эса бизнинг бурчимиз. Ота-оналар ўз фарзандларини фақат моддий томондан таъминламасдан, уларнинг маънавий дунёсини ҳам бойитишга эътибор беришлари лозим. Шахсий кутубхоналаримизни умрбоқий, ўлмас асарлар билан бойитиб, китобга муҳаббат, аждодларга ҳурмат руҳида яшамоқлик ҳам фарз, ҳам қарзимиз бўлмоғи лозим.

— Тиббиёт коллежига ўқишга кирган ёшлар ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши учун психологик хизмат самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади, — дейди Д. Ёвқочдиева. — Масалан, баъзи бўлажак ҳамширалар укол қилишдан қўрқишади. Улардаги камчиликларни бартараф этиш учун психологик хизмат кўрсатиш лозим бўлади. Бакалаврни тугатиб, магистратура, сўнгра аспирантурада илмий изланишларимиз давом эттирмоқчиман. Ниятим, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган тиббиёт коллежлари

# АҲИЛЛИК

## бор жойда...

**Э**рта тонгдан ишонаси томон, кечки пайт эса уйи, болалари олдига шошадиган ишчидан бахтлироқ инсон бўлмаса керак.

«Муборакнефтгаз» унитар шуъба корхонасининг 4400 нафар ходимида ана шу туйғулар мужассамдир.

Дарҳақиқат, жамоангизда ҳурмат-этиборингизни жойига қўйиб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашса, маошингизни вақтида тўлаб, яна қўшимча имтиёз, моддий ёрдам, мукофотлар билан рағбатлантириб туришса руҳингиз кўтарилмайдими?!

Ахиллик бор жойда ўсиш ва ривож бўлиши кундай равшан.

Ижтимоий суғурта, меҳнат консултацияси, маданий – оммавий ишлар, жисмоний тарбия ва спорт, хотин-қизлар билан ишлаш ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар томонидан амалга ошириладиган ишларнинг ҳар бири ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Куни кеча Фарҳод Рўзиевга 60, Геннадий Харатянга 70 ёшга тўлиши муносабати билан касаба уюшма қўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Бундан ташқари, бу йил Наврўз байрами ара-

лади. «Машъал» футбол жамоасининг Ўзбекистон чемпионати олий лигасидаги муваффақияти, клуб болалар академиясидан ҳар йили мамлакат ўсмирлар ва ёшлар термасига ўнлаб иқтидорли ўйинчилар етишиб чиқиши ҳам корхонанинг ҳомийлиги натижасидир.

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори бажарилиши таъминлаш мақсадида корхонанинг барча тармоқларида маърифат хоналари ташкил қилинган.

Ходимлар онгида она-Ватанга муҳаббат, садоқат, ўз корхонасидан фахрланиш туйғуларини шакллантириш мақсадида касаба уюшма фаолияти, фидойи ишчилар ҳақидаги «Одамлар ташвишида», «Оловқалб одамлар», «Тармоқда етакчи», «Ёш алангачи» китоблари чоп этилди. Корхона

кутубхонасида 3000 дан ортиқ китоб мавжуд бўлиб, мунтазам янги адабиётлар билан бойитиб борилмоқда.

Маълумки, ҳар йили ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан тармоқ ишчи-меҳнаткашлари ўртасида анъанавий спартакиада ташкил этилади. Корхона ходимлари спартакиаданинг мини футбол баҳсида сўнгги тўрт йилда биринчи ўринни қўлдан бермай, стол тенниси бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллаб келишмоқда.

«Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» спорт тадбирида бир неча бор Комилжон Ягмиров оиласи энг яхши кўрсаткичга эга бўлди. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Корхонада «Машъал» спорт-соғломлаштириш клуби ташкил этилган бўлиб, ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтла-

рида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. Спорт либослари, жиҳозлар борасида муаммо йўқ. Деярли ҳар бир конда спорт майдончалари бўлиб, тез-тез ички мусобақалар ташкил этиб турилади.

Корхонада ҳар йили «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ўтказилиши масъуликни янада оширади.


Бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиларидан «Кўкдумалоқ» кони машинисти Исомиддин Раҳмонов, Зеварда-Сардоб кони бошлиғи Шавкат Бозоров, Култэк-Помук-Алан кони бош энергетиги Омон Охунов, Жанубий Ўрта булоқ кузатувчиси Тўймурод Орипов, Қоравулбозор конидан Насулло Обидов меҳнатлари алоҳида эътирофга лойиқ.

Албатта, конларда ишлаш осон эмас. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш касаба уюшма қўмитасининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Касабақўм Шароф Раҳматов «Касаба уюшмаси қанчалик кучли бўлса, иш жойи шунчалик хавфсиз бўлади»

шиорига амал қилади ва бошланғич ташкилотлар етакчиларини ҳам шунга риоя қилишга чақиради.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси» ва 65 нафар жамоатчи вакил, 30 нафар корхона меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси муҳандис-техник ходимлари биргаликда бу борада ҳимжихат иш олиб бораётир.

Махсус кийим-кечаклар ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам ибратли тарзда йўлга қўйилган. Бундан ташқари, зарарли иш жойларида ишлайдиган ходимларга қўшимча 4 фоиздан 12 фоизгача устама иш ҳақи тўланмоқда. Ходимларни витаминли кўкатлар, помидор, бодринг ва мева-сабзавотлар билан таъминлаш мақсадида иссиқхоналар ташкил қилинганлиги ҳам жуда асқотмоқда.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири 




фасида 50 нафар фахрийнинг ҳар бирига 60000 сўмлик совғалар тарқатилди. Кам таъминланган 50 нафар оилалар фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди; ҳар бирининг омонат дафтарчаларига 20 минг сўмдан пул ўтказилиб, яна 30 минг сўмлик кийим-кечаклар совға қилинди.

Хотира ва қадрлаш кунини янги турмуш қураётган 5 та оилага, Мустақиллик байрами олдидан эса яна 24 нафар ишчи-ходимга ўғилларининг суннат тўйини ўтказишга моддий ёрдам кўрсатилди.


Республика курорт ва санаторийларида дам олаётган ишчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунингдек, кам таъминланган оила ишчиларига мунтазам моддий кўмак бериш, озиқ-овқат маҳсулотлари ажратиш анъанага айланган.

Китоб туманидаги 5-сонли Меҳрибонлик уйи «Муборакнефтгаз» УШК оталиғида. Бундан ташқари, корхона ушбу тумандаги «Гўдаклар уйи»га ҳам турли хилдаги ёрдамларни кўрсатиб келмоқда.

Ҳар йили «Ёш алангачи» оромгоҳини таъмирлаш ва унда ишчиларнинг ўғил-қизларини мириқиб дам олишини таъминлаш ҳам корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан самарали амалга ошири-



# Меҳнат таътили



Меҳнат қонунчилигида таътиллари уч тури мавжуд. Улар қуйидагилар:

- йиллик меҳнат таътили,
- ижтимоий таътил
- иш ҳақи сақланмаган таътил.

Ушбу таътиллари муддатини белгилаш, бериш каби масалаларда бир-биридан фарқ қилади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 52-Конвенциясида ёлланган барча шахслар ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Йиллик меҳнат таътиллари, ўз навбатида, асосий таътил, узайтирилган асосий таътил ва қўшимча таътиллари бўлиши мумкин. Меҳнат таътили беришнинг мақсади ходимни дам олиши ва меҳнат қобилиятини тиклашдан иборатдир. Йиллик меҳнат таътили барча ходимларга, жумладан, ўриндошлик асосида ишлайдиган, тўла бўлмаган (масалан, 0,25 ёки 0,5) ставкада ишлайдиган, вақтинча ишлайдиганларга ҳам берилди. Таътил даврида ходимни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига (МКнинг 100-м) йўл қўйилмайди, корхона тугатилиши ҳолатлари бундан мустасно.

Таътилда ходимга ўртача иш ҳақи миқдоридида таътил пули берилди. Уни ҳисоблаш «Ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш Тартиби»да белгиланган. Унга кўра, ҳисоблаб чиқариш кундаги лавозим машинали қўшимча тўловларнинг ўн иккидан бир қисмига оширилган ҳолда ҳисобланади. Ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарифақция бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим машиналидан ошган суммани ўндан бирга оширилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Агар, ходим ўн икки ойдан

кам ишлаган бўлса, масалан, ўн ой тўлиқ ишлаган бўлса, қўшимча тўловнинг ўндан бир қисми, олти ой ишлаган бўлса, олтидан бир қисми олинади.

Қўшимча тўловларга лавозим машиналидан ташқари тўловларнинг ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобланадиган масалан, ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар киради.

Асосий таътилининг муддати 15 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим (МКнинг 134-м). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабр 162-1 сонли қарорининг 6-бандига асосан, давлат органлари хизматчилари учун илгари белгиланган таътил муддати сақланиб қолган яъни, уларнинг меҳнат таътили муддати 24 иш кунидан иборат. Йиллик меҳнат таътилининг аниқ муддати жамоа шартномасида (МКнинг 37-м) ёки ходим билан тузилган меҳнат шартномасида (МКнинг 73-м) белгилаб қўйилади. Унинг максимал муддати қонунчиликда чекланмаган. Таътил кунлари учун ҳақ тўланиши сабабли, таътил муддатини белгилашда корхонанинг молиявий имконияти ҳисобга олинмиши лозим.

Таътил кунларига умумий дам олиш кунини — яқшанба ва Меҳнат кодексининг 131-моддасида белгиланган байрам (ишланмайдиган) кунлари ҳисобга олинмайди.

Ходим биринчи иш йили учун олти ой ишлаганидан кейин йиллик таътил олиш ҳуқуқига эга. Бироқ, шундай тоифадаги ходимлар борки, уларга уларнинг хоҳишига кўра ишни бошлаганига олти ой ўтмасдан олдин ҳам меҳнат таътили берилди (Меҳнат кодексининг 143-моддаси 3-қисми).

Мақтаблар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилди.

Амалиётда шундай ҳолатлар бўладики, ходим маълум сабабга кўра 6 ой ишламасдан бўшайди.

Бунда унинг таътилга бўлган ҳуқуқи қандай ҳал қилинади? Масаланинг ечими Меҳнат кодексининг 151-моддасида кўрсатилган. Яъни, меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимга фойдаланилмаган таътил учун ишлаган вақтига мутаносиб равишда пуллик компенсация тўланади. Масалан, 2010 йил 2 август куни ишни бошлаган ходим 17 сентябр куни ишдан бўшади. Ходимнинг йиллик меҳнат таътили 24 иш кунидан иборат. Бунда ходимга бир ой-у 16 кунга (15 календар кундан кам кунлар чиқариб ташланади, 15 ва ундан ортиқ кунлар эса, бир ой деб ҳисобга олинади) 2 ойлик ишлаган вақти учун фойдаланилмаган 4 иш кунидан иборат йиллик таътил учун пуллик компенсация тўланади.

Йиллик таътил, юқорида таъкидланганидек, иш йили учун берилди. Иш йили ходимнинг иш бошлаган кундан кейинги йилнинг шу санасигача ҳисобланади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, иш йилига, Меҳнат кодексининг 142-моддаси талабига мувофиқ, фақат таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажларига жамланиб ҳисобга олинади. Жамланиш натижасида ўн икки ойнинг тугаши иш йилининг тугаши санаси бўлади. Мисол учун, 2009 йил 20 август куни ишни бошлаган ходимнинг иш йили 2009 йил 20 августдан 2010 йил 19 августгача ҳисобланади.

Амалдаги меҳнат қонунчилигида ва корхонанинг норматив ҳужжатларига асосан йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажларига қўшилмайдиган даврлар бўлса, иш йилини ҳисоблашда инobatга олинмайди. Айтайлик, 2009 йил 1 июндан ишни бошлаган ходим 2010 йилнинг 20 апрелидан 20 июлигача иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлган. Ушбу ҳолатда мазкур уч ой ҳисобга олинмайди ва натижада ходимнинг иш йилини тугаши 2010 йил 31 май эмас балки, 31 август бўлади. Бу корхонанинг кадрлар билан ишлаш мутахассислари томонидан тегишли тарзда Т-2 шахсий варақага киритиб борилди.

**Арипжон ГАЙНАЗАРОВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши юридик бўлими бошлиғи

## Нотариал фаолият

**Фуқаролик кодексининг 538-моддасида «Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин», дея қайд қилинган. Шу ўринда мазкур модда билан боғлиқ мисолларга тўхталсак.**

### Мулкни ижарага берсангиз...

Хусусий тадбиркор Ҳикматилло Абулов ҳамда «Фурқат-Шаҳбоз-Файз» хусусий корхонаси раҳбари Мунаввар Нейматова ўртасида ўзаро мулк ижараси шартномаси тузилди. Жорий йил 1 март куни имзоланган бу келишув битимида кўра хусусий тадбиркор Ҳикматулло Абулов ўзига тегишли 286,11 квадрат метр майдонга эга бинони «Фурқат-Шаҳбоз-Файз» хусусий корхонасига ижарага берди. Шартнома икки йил муддатга тузилди.

Бинодан фойдаланганлик учун ижарага олувчи томонидан ҳар ойда 60 минг сўмдан, жами 1 миллион 440 минг сўм маблағ тўланади. Тегишли тартибга кўра, шартномада вилоят ҳўжалик ҳисобидаги ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан иншоотнинг 2006 йилда давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ҳам асос қилиб олинган. Қолаверса, ижарага берувчининг турмуш ўртоғи ҳам ўз розилигини расман ариза билан билдиргани инobatга олинди. Демак, ҳуқуқий тил билан айтганда, мулкдор ихтиёридаги ёки ўзи ишонган бошқа шахсга ваколат бериш асосида ижара шартномасини қонуний расмийлаштиришга ҳақлидир.

Худди шундай битимларнинг бошқа тури — автомашина ижараси билан боғлиқ. Ҳолатлар хусусида ҳам юқоридаги каби қонуний тартиб жорий қилинган. Масалан, Бахтиёр Расулов ҳамда Ҳамза Ярашев ўртасида 1987 йилда ишлаб чиқарилган «Камаз» русумли юк автомашинасининг ижара шартномаси имзоланди. Б.Ярашевга тегишли хусусий техника воситаси 1 йилу 6 ой муддатга ҳар ойда 180 минг сўм, жами 3 миллион 240 минг сўм тўлаш шarti билан ижарага берилди. Бу жараёнда автомашинанинг техник созлиги тўғрисидаги давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан олинган маълумотлар ҳар иккала томоннинг турмуш ўртоқлари розиликлари битилган ҳужжатлар ушбу шартномага илова қилинди.

**Ҳамида ҲОТАМОВА,**  
Бухоро шаҳар давлат нотариал идорасининг катта нотариус ўринбосари

# Қарс икки қўлдан

**«Водийгазтаъминот» унитар корхонаси Шаҳрихон филиалида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Ташкилотнинг кўча томонидаги девори бузиб ташланиб, ўрнига техника хавфсизлиги муҳандиси, диспетчер, газ тармоқларига хизмат кўрсатиш, ҳисоблагичларни назорат қилиш хоналари қурилди.**

Худудда ҳам катта ўзгариш юз берди. Кадрлар бўлими ва бошқа бинолар барпо этилиб, янги дарвоза ўрнатилди. Ҳар бир хона компьютерлаштирилди.

— Халқимизда «Онангни отанга бепардоз кўрсатма» деган нақл бор, — дейди Филиал раҳбари Улуғбек Сотиболдиев. — Шунинг учун ички имкониятларни ишга солиб, идора биносини тартибга келтирдик. Янги бинолар қуриш, эскиларини таъмирлаш учун 23 миллион сўм маблағ сарфланди.

Фойдаланилган газ ҳақини ундиришда ижобий

натижалар қўлга киритилди. Шу йилнинг 8 ойида 1 миллиард 528 миллион сўмлик маблағ туширилди.

Президентимизнинг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010-2011 йиллар кузқиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори филиал томонидан изчил бажарилмоқда. Бунинг учун 11 банддан иборат режатадбир ишлаб чиқилди. Ҳозирда туманда 31708 та хонадон газлаштирилган бўлиб, улгуржи истеъмолчилар сони 256 тани ташкил этади. Уларга 721 километр қувур ва 598

та тақсимлаш қурилмаси орқали газ етказиб берилди.

Бош муҳандис Абдумуталиб Бакировнинг таъкидлашича, маҳалла ва кўчаларда суюлтирилган газ сотиш йўлга қўйилиб, тадбир-режалар 100 фоизга бажарилди. Аҳолини суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида

### Қиш эшик қоқмоқда

Назармахрам қишлоғида «Суюқ газ сервис» шохобчаси фаолият бошлади.

Режа асосида «Ҳақиқат» ҚФЙ, «Сўзоқ», «Сарой» маҳаллалари худудидан ўтган 3 км. масофадаги газ қувури қутиси, 1 та ГРП, 4 та ГТҚ тахт қолга келтирилди. 26 км. ўрнига 28 км. газ қувури ҳаво

ёрдамида тозаланди.

Олмоқнинг бермоғи бор. Аммо ҳали бўйнида қарз билан яшаётган хонадонлар, идора ва ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Дебитор қарздорликни бартараф этиш мақсадида истеъмолчилар 4 та гуруҳга бўлиниб, 40 нафар худуд назоратчиси қарзларни ундиришга жалб этилган.

Шу кунгача 3193 та хонадон қарздорлиги учун газ тармоғидан узиб қўйилди. 20078 та хонадон эгасидан 4 миллиард 88,9 миллион сўмлик қарзни ундириш учун судга даъво аризаси чиқарилди. Бундан ташқари, газдан ноқонуний фойдаланган 43 нафар истеъмолчига тегишли чоралар кўрилди. 6,6 млн. сўмлик ноқонуний ўрнатилган газ сўргич мосла-



малари йўқ қилинди. Филиал ходимларининг жонбозлиги туфайли иккинчи ва учинчи чоракда фойдаланилган табиий газ учун тўловлар тўлиқ ундирилди. Бунда ишчи-ходимларга кўрсатилган рағбатларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

**Абдулхай ЮНУСОВ,**  
«Ishonch» мухбири



# Бешик

Орадан икки йил ўтиб, бобоси билан момоси вафот этишди. Боласи йўқлиги Маҳмудга энди билинди. Хотини ўқитувчи бўлгани учун тушгача мактабда бўлади. Хайҳотдай ховли устани ютаман дейди.

Шу чоғ дарвозадан ховлиқиб кирган хотинини кўриб, унинг кўнгли ёришди. Ҳазил қилгиси келди.

— Ҳа, ит кувдими, мунча шошиб юрибсан?

— Ит-ку, қувган йўғ-а. Лекин бир яхши гап топиб келдим. Тезроқ айтмасам бўлмайди. Банди-хонда бир эшон бормиш. Бефарзандларнинг бари ўша ердамиш. Болани бўлиб кетганларнинг раҳмат айтгани тизилиб туришгани анови ҳамсоя Тошжамол ўз кўзи билан кўрибди. Эртага шунга бир борсакми?

— Қизиқсан-а, ўқитувчи бўла туриб, эшон, фолчи деганларга ишонасан. Ҳали ёшмиз, Худойимнинг бизга атагани бордир.

— Энди чиқмаган жондан умид, дейманда. Кўчага чиқсам, ҳамма кўлини бигиз қилиб, «туғмас хотин» деяётганга ўхшайди. Уйдан чиққим келмайди.

Хотинининг кўзига ёш тўлганини кўриб, устанинг кўнгли юмшаб кетди. Унинг кўзларидаги умидни сўндиргиси келмади.

— Майли, борсак-борибмизда. Тайёргарлигини кўриб қўй.

Шундан кейин эр-хотин йигирма йил давомида қанча эшонлару фолчиларга боришмади. Учрамаган дўхтиру табиблари қолмади. Ҳаммаси бир гапни тўтидай такрорларди: «Икковингиз ҳам соппа-соғсиз, албатта, фарзанд кўрасизлар».

Бир куни чойхонадан қайтган Маҳмуд уста хотинининг янги бешикни қучоқлаганча, йиғлаб алла айтаётганини кўрди. Хотини сел бўлиб йиғлар, кўйлагининг олди ҳўл бўлиб кетганди. Устанинг кўнгли вайрон бўлиб, хотинининг олдига борди.

— Ширин, кел, ажрашамиз. Балки иккаламиз ҳам фарзандли бўлиб кетармиз. Ўзингни қийнамасанг-чи. Сени ҳам қийнагандан кўра, бир ўзим азоб тортишим яхши. Кел, Ширинжон ажрашайлик.

— Йўқ. Мени эрдан чиқибди деган иснодга қолдирманг. Сабр қиламан. Лекин сиздан ажралмайман.

Икковлари бир-бирларига суяниб эзилиб-эзилиб йиғлашди. Шу-шу бошқа бу мавзуда гап очилмади...

— Ҳай, бобоси овқат пишди. Келинг энди.

Маҳмуд бобо кампирининг чақирғидан ўзига келди.

— Мана-мана, боряпман.

— Момоси, яна уч косада ов-

қат суздингма? Ахир Умиджон бугун ҳам келмаса-чи? Кичкина бола бўлса, келишни унутиб қўйиши мумкин.

— Келмаса, олиб қўярман. Тураверсин-чи.

— Бобожон, моможон!

Ховли этагида кўлига катта ёғочни базўр кўтариб олган беш-олти ёшлардаги болакай кўринди. Бу кўшни бола ҳар куни чиқиб, устанинг олдида соатлаб ўтиради. Баъзан шу ерда ухлаб ҳам қолади.

— Кел, болам кел. Мана сенга овқат ҳам сузиб қўйибмиз. Кел-чи...

— Бобо, мана бу ёғочдан бешик ясаसा бўладими?

— Қани, ниманинг ёғочи экан, кўрайлик-чи. Ёнғоқники экан, жуда бўлади-да.

Кичик шогирд хурсанд бўлиб, овқатланишга тутинди.

Маҳмуд бобони доим бир нарсга қийнади. Ота-бобом бешик-соз уста бўлиб, менга шу хунарни мерос қолдиришди. Наҳотки, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хунар мендан кейин давом этмаса... Аммо негадир ҳозир Умиджонга қараб кўнгли ёришди.

— Момоси, бу дунёдан бефарзанд ўтаётган фақат биз эмасмиз. Бизга ўхшаганлар кўп. Лекин биз ясаган бешикларда қанчадан-қанча гўдаклар улғайпти. Демак, бизнинг номимиз ўчмайди. Бизнинг фарзандларимиз — шу бешиклар, — деди шивирлаб.

## Унутилган уя

Муслим холанинг яна боди кўзгаб қолди. Шундай бўлса-да, томга ўраб-чирмаб, осиб қўйилган бешикни олиб тушди. Ахир Абдуллажони ўғли кўрди. Ҳадемай Тошкентга қайтишса, келини чақалоқни барибир бешикка беламайди.

Абдуллажон хотинини туғруқхонадан олиб келишга кетгач, кампир бешикни чиройли қилиб созлаб қўйди. Инқиллаганча оғриётган оёғини уқалай бошлади.

— Ҳа, ўғлим жавоб беришмадимми? — деди у ёлғиз қайтган Абдуллажонга.

— Йўқ, ойи келинингиз бирикки кун онасиникида турар экан. Бу ерда бемалол бўлолмайман деяпти.

— Келавермабди-да, — дея шивирлади секингина. (У кўнгли оғриганда шундай қиларди.)

Йигирма кундан кейин чақалоқнинг кичик чилласи чиққач, ўғлини кўярда-қўймай келинини чақириб олди.

— Ойижон, бизни тезда соғиниб қолибсиз-да. Бир оз ўзимга келиб олай дегандим.

— Қани-қани, неварамни бир кўрай-чи. Исмини нима қўямиз болагинамнинг?

— Ойижон, исмини Муроджон қўйдик. Дадам шуни хоҳлади. Муслим хола ялт этиб келинига қаради. Яна кўнгли оғриди.

«Нима бўпти, — деб ўйлади ичида— Бобоси қўйганда. Мен ҳам қариб, ёш болага ўхшаб қолдим. Арзимаган нарсаларга

ҳам хафа бўлавераман. Кундан-кун майдалашиб кетяпман».

— Мен бешикни тайёрлаб қўйдим. Эртага болани бешикка соламиз. Чиқиб бир-иккита қўшниларни айтиб чиқай. Сиз дамингизни олинг.

— Ойи, ҳали бешик олганимиз йўқ-ку.

— Айтдим-ку, бешикни тайёрлаб қўйдим деб. Янги бешиклар усти ялтироқ, ичи қалтироқ. Битта болани катта қилишга ҳам ярамайди. Бу бешик жуда қадрли. Раҳматли отам Анваржон туғилганида олиб келганди. Шундан кейин яна бешта бола катта қилди бу бешик. Худога шукур, барчаси ақлли, эслихушли бўлиб ўсишди.

Келин индамади. Катта қизига олган бешик синиб, ярамай қолгани рост. Ўғлини эски бешикка белаюдимиз энди? Ҳечам-да.

Кечкурун шаҳарда яшайдиган катта ўғли Анваржон, маҳалланинг ўзига келин бўлиб тушган қизлари келишди. Катта келини югуриб-елиб хизмат қилди.

— Абдулла ака, ойингиз Муроджонни бешикка соламиз, деяпти. Аммо билиб қўйинг, ўша эски бешикка боламни ётқизмайман.

— Нима бўпти. Ўша бешикда мен ҳам ётганман. Ҳеч кимдан кам жойим йўқ. Нега гапни кўпайтиряпсан?

— Гапни кўпайтираётганим йўқ. Лекин ўша бешикка боламни ётқизмайман. Гап тамом, вассалом. Худо билади, унда сиздан бошқа яна кимлар ётганикин?

Эшик тагидан ўтиб кетаётган Муслим хола баланд товушни эшитиб, ҳайрон бўлди. Гап эски бешик ҳақида бораётганини билгач, индамай ортига бурилиб кета бошлади. Эшикни тарсиллатиб, ёлиб чиққан Абдуллажон оқсоқлиниб бораётган онасини кўриб шошиб қолди.

— Ойи, менда ишингиз бормиди? — деди меҳрибонлик билан.

— Ҳа, болам. Қарасам, бешик янги кўрингани билан ичи ярамай қолибди. Шунга эртага бозордан Муроджонга янги бешик сотиб олиб кел, деб айтгани келгандим.

— Ойи, ахир икки ҳафтадан кейин таътилим тугайди. Тошкентга қайтиб кетишим керак. Шу бешикда ётиб турсаям бўлади. Ортиқча харажатнинг нима кераги бор?

— Мана, пул, — деди хола рўмолининг учига тугилган пулни оларкан. — Албатта, янги бешик олиб кел.

Муслим хола даволаниши учун ўғли Анваржон берган пулларни Абдулланинг кўлига тутқазди. Ўзи уйга кириб, ясалган бешик ёнига келди. Бешикнинг кўрпачаларини бирма-бир силаб, ҳидлаб сандиққа солди. Кўз ёшларини рўмолининг учига артар экан, бешик кўзига полапонлари тарк этиб, қаровсиз қолган эски уядек кўринди.

Саида  
ЭШМЎМИНОВА

Душанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.10 «Олам ва одам» дастури: «Бу ажиб дунё»...

Сешанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.10 «Сарой жаҳоҳири» Т/с. 7.45 «Тонгги наволар»...

11.00 «Ахборот». 11.15 «Эмма» Т/с. 11.45 «ТВ - шифокор». 11.50 «Ахборот» /инглиз/. 12.55 «Изҳор»...

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги. 5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Ўзбекистон

17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар». 17.55 «Сизнинг адвокатингиз». 18.00 «Олтин мерос»...

Пайшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.10 «Сарой жаҳоҳири» Т/с. 7.45 «Тонгги наволар»...

20.10 Миллий сериал: «Туташ тақдирлар». 20.45 «Ватанимни куйлайман». 21.00 «Ахборот»...

Жума

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.10 «Сарой жаҳоҳири» Т/с. 7.45 «Тонгги наволар»...

Шанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.10 «Сарой жаҳоҳири» Т/с. 7.45 «Тонгги наволар»...

8.00 «Ахборот». «Болалар сайёраси»: 8.40 «Бизнинг кутубхона». 9.00 «Дельфин орузи» М/ф. 1-қисм. 9.40 «Ифтихор»...

Якшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Чолиқуши» Т/с. 7.50 «Тонгги наволар»...

Душанба

18.55 «Интеллектуал аукцион». 19.05 «Умр сўқмоқларида». 19.45, 21.30 «Телекуррьер-маркет». 20.20 Эко-«Пойтахт»...

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллиги. 7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»...

TOSHKENT

2.30 «Ҳайларим». 2.35 «Тошкент оқшомлари». 3.05 «Дурдона». 3.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»...

Пайшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.10 Тошкент тароналари. 8.35, 15.40 «Карвонсарой»...

Жума

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.10 Тошкент тароналари. 8.35, 15.40 «Карвонсарой»...

Шанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 21.10 Тошкент тароналари. 8.35, 15.40 «Карвонсарой»...

16.10 «Қонун доирасида». 16.30 «Санъатимиз ҳазинасида». 16.45 «Кадр ортида»...

Якшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20, 19.30, 22.00 Тошкент тароналари. 8.35 «Афиша»...

Душанба

6.00 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Тонгги парвоз».
7.10 «Мультипанорама».
7.50 «Эсмеральда». Т/с.
9.00 «Ойболанинг саргузаштлари».
9.10 «Даврнинг боласи».
9.30 «Бу қандай ясалган?»
9.50 «Конституция ва ёшлар».
10.00 «Давр ҳафта ичида».
10.30 «Жейн Эйр». Т/с.
11.30 «Салом, ёшлар!»
12.10 «Кумуш». Т/с.
13.00 «Давр».
13.10 «Мультипанорама».
13.30 «Азиз». Б/ф.
14.30 «Ёшлар ва қонун».
14.50 «Сехрли қўллар».
15.20 «Афсона ва ҳақиқат».
16.00 «Давр».
16.10 «Кўҳна ва боқий».
16.20 «Сирли ўрмонча».
16.50 «Кувноқ дўмбоқчалар».
17.00 «Девор». Б/ф. 1-қисм.
18.35 «Давр мавзуси».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «Давр».
19.30 «Кумуш». Т/с.
20.20 «Ёшлик наволари».
20.30 «Нуктаи назар».
21.00 «Сарой шамоли». Т/с. Премьера.
22.00 «Давр».
22.30 «Ёшлик наволари».
22.40 «Ганг дарёсининг қизи». Б/ф.
23.50 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
00.50 «13-студия».
1.20 «Салом, ёшлар».
2.00 «Давр».
2.30 «Ишқ гирдоб». Б/ф.
4.20 «Олтин тупроқ».
4.30 «Очиқ денгиз». Б/ф.
5.50-6.00 «Мадҳия».

Сешанба

6.00 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Тонгги парвоз».
7.10 «Мультипанорама».
7.40 «Ёшлик наволари».
7.50 «Эсмеральда». Т/с.
9.00 «Ойболанинг саргузаштлари».
9.10 «Китоб-офтоб».
9.30 «Бу қандай ясалган?»
9.50 «Конституция ва ёшлар».
10.00 «Давр».
10.10 «Давр мавзуси».
10.30 «Жейн Эйр». Т/с.
11.30 «Салом, ёшлар!»
12.10 «Кумуш». Т/с.
13.00 «Давр».

Душанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 8.00, 18.45, 21.45, 01.00, 03.00 хабарлар.
07.05 «Тренируемся вместе».
07.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика. «Спортландия». Мультифильм.
08.30 Футбол. Мундиал-2010. Германия - Австралия.
10.10 Биатлон. Жаҳон кубоги.
11.20 Футбол. Италия чемпионати. «Фирентина» - «Кальяри».
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
...
13.35 Футбол. Осиё чемпионати. U - 16. уммон - Сурия.
15.15 Теннис. Дэвис кубоги. Финал. Сербия - Франция.
16.15 Испания чемпионати.

Сешанба

18.30 «Баркамол авлод».
19.05 Кўл жанги. Ўзбекистон чемпионати.
20.05 Саломатлик хазинаси.
20.10 Футзал. Ўзбекистон кубоги.
22.00 Саломатлик хазинаси.
22.05 ИнтерФутбол.
22.45 Сешанба дастури анонси.
23.55 Баскетбол. пва чемпионати.
01.15 Футбол. Мундиал - 2010. Германия - Австралия.
03.15 Кўл жанги. Ўзбекистон чемпионати.
04.15 Футбол. Осиё чемпионати. U - 16. уммон - Сурия.

Сешанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 18.45, 21.45, 00.30, 03.00 хабарлар.
06.50 «Баркамол авлод».
07.05 «Жаҳон спорти юлдузлари».
07.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика. «Спортландия». Мультифильм.
08.20 Футбол. Мундиал-2010. Голландия - Дания.
10.00 «Жасур болалар».
10.30 «Ринг қироллари».
11.20 ИнтерФутбол.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.

Душанба

7.00, 9.10, 10.40, 13.30, 17.10, 18.00, 19.40, 2.15 Узбек наволари.
8.10 Серил «МУХАББАТ АСИРАСИ».
9.00 Дневник M&TV 2010.
9.30 Серил «IRIS».
11.30 «Ишчи-2» худ. фильм.
14.00 Дневник M&TV 2010.
14.30 Prime time (рус)
14.40 Серил «МУХАББАТ АСИРАСИ».
15.30 Мультифильм.
17.30 «Премьера».
18.40 Серил «МУХАББАТ АСИРАСИ».
19.30 Дневник M&TV 2010.
21.10 Серил «БРЮС ЛИ ХАКИДА АФСОНА».
22.00 «ТАК СЕБЕ КАНИКУЛЫ» худ. фильм.
23.50 Миксер.
1.30 Серил «ПРИТВОРЩИК».
3.00-5.00 «ВЫСШАЯ ЛИГА» худ. фильм.

Сешанба

7.00, 7.40, 9.10, 10.30, 13.20, 14.10, 17.10, 18.10, 19.40, 2.15 Узбек наволари.
7.30 Prime time (рус)
8.10, 14.40, 18.40 Серил «МУХАББАТ АСИРАСИ».
9.00 Дневник M&TV 2010.
9.40 Серил «БРЮС ЛИ ХАКИДА АФСОНА».
11.30 «ТАК СЕБЕ КАНИКУЛЫ» худ. фильм.

13.10 «Мультипанорама».
13.30 «Сарой шамоли». Т/с.
14.20 «Соғлиқ - бойлиқ».
14.40 «Баркамоллик йўлидан».
15.00 «Тасвир ва таассурот».
15.20 «Афсона ва ҳақиқат».
16.00 «Давр».
16.10 «Конституция ва ёшлар».
16.20 «Катта танаффус».
16.50 «Кувноқ дўмбоқчалар».
17.00 «Девор». Б/ф. 2-қисм.
18.35 «Ёш ҳуқуқшунослар».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «Давр».
19.30 «Кумуш». Т/с.
20.20 «Истиқлол қайтарган номлар».
20.30 «Ёшлар анжумани».
20.50 «Кўҳна ва боқий».
21.00 «Сарой шамоли». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Ёшлик наволари».
22.40 «Тақдир эшиги». Б/ф.
23.50 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
00.50 «Сехрли қўллар».
1.20 «Салом, ёшлар».
2.00 «Давр».
2.30 «Кумал ва Сунга». Б/ф.
4.20 «Олтин тупроқ».
4.30 «Сен гапирма». Б/ф.
5.50-6.00 «Мадҳия».

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси. Конституциясининг 18 йиллиги.
6.00 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Тонгги парвоз».
7.10 «Мультипанорама».
7.40 «Ёшлик наволари».
7.50 «Эсмеральда». Т/с.
9.00 «Ойболанинг саргузаштлари».
9.10 «Томоша».
9.30 «Немони излаб». М/ф.
11.10 «Конституция ва ёшлар».
11.20 «Бухорои Шариф».
12.10 «Ёшлар анжумани».
12.30 «Тўйлар муборак». Б/ф.
13.30 «Нихол-2010».
15.00 «Орзулар ошёни».
16.20 «Сирли ўрмонча».
16.50 «Кувноқ дўмбоқчалар».
17.00 «Жаноб 420». Б/ф. 1-қисм.
18.25 «Ёшлик наволари».
18.35 «Ёшлар ва қонун».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «Давр».
19.30 «Тундан тонггача». Б/ф.
21.20 «Шарқ оҳанглари».
22.00 «Давр».
22.30 «Табассум қил!»

13.35 Футбол. Осиё чемпионати. U - 16. Австралия - Шарқий Тимор.
15.20 Теннис. Дэвис кубоги. Финал. Сербия - Франция.
16.15 Футбол. Мундиал - 2010. Голландия - Дания.
18.30 «Олимп сари».
19.05 Футзал. Ўзбекистон кубоги.
20.25 Саломатлик хазинаси.
20.30 Баскетбол. пва чемпионати.
22.00 Саломатлик хазинаси.
22.05 ИнтерФутбол.
23.45 Чоршанба дастури анонси.
23.55 Евроголлар.
00.40 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.
02.40 «Олимп сари».
03.15 Биатлон. Жаҳон кубоги.
04.15 Футбол. Осиё чемпионати. U - 16. Австралия - Шарқий Тимор.

Чоршанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 18.45, 21.45, 00.30, 03.00 хабарлар.
06.50 «Олимп сари».
07.05 «Жаҳон спорти юлдузлари».
07.25, 13.05, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика. «Спортландия». Мультифильм.
08.20 Футбол. Мундиал - 2010. Япония - Камерун.
10.00 «Этироф».
10.05 «Кувноқ стартлар».
10.45 «Спорт - менинг ҳаётим».
11.20 ИнтерФутбол.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
...
13.30 «Этироф».
13.35 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Иордания - Ўзбекистон.
15.15 хв Осиё ўйинлари. Унитилмас лаҳзалар.
16.15 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.
18.25 «Этироф».
18.30 «Мураббий».
19.05 Муайтай. Жаҳон чемпионати.
19.55 Ўзбекистон конституцияси кунига: «Ифтихор».
20.20 «Этироф».
20.25 хв Осиё ўйинлари. Унитилмас лаҳзалар.
22.00 «Этироф».

14.00 Дневник M&TV 2010.
15.30 Мультифильм.
17.30 «Премьера».
18.00 Prime time (рус)
19.30 Дневник M&TV 2010.
21.10 Серил «БРЮС ЛИ ХАКИДА АФСОНА».
22.00 «ФИЛАДЕЛЬФИЙСКИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ» худ. фильм.
00.00 Миксер.
1.30 Серил «ПРИТВОРЩИК».
3.00-5.00 «КОНСТАНТИН» худ. фильм.

Чоршанба

7.00, 10.30, 17.10, 18.00, 19.40, 20.30, 2.15 Узбек наволари.
8.10, 14.40, 18.40 Серил «МУХАББАТ АСИРАСИ».
9.00 Дневник M&TV 2010.
9.40 Серил «БРЮС ЛИ ХАКИДА АФСОНА».
11.30 «ФИЛАДЕЛЬФИЙСКИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ» худ. фильм.
14.00 Дневник M&TV 2010.
14.30 Prime time (рус)
15.30 Мультифильм.
17.30 «Кинокурьер».
19.30 Дневник M&TV 2010.
20.00 M-files.
21.10 Серил «БРЮС ЛИ ХАКИДА АФСОНА».
22.00 «КОНТАКТ» худ. фильм.
00.50 Миксер.

YOSHLAR

22.40 «Тоҳир ва Зухра». Б/ф.
00.30 «Шарқ гавҳари».
1.20 «Салом, ёшлар!»
2.00 «Давр».
2.30 «Йирик балиқ». Б/ф.
4.20 «Олтин тупроқ».
4.30 «Питер-FM». Б/ф.
5.50-6.00 «Мадҳия».

Пайшанба

6.00 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Тонгги парвоз».
7.10 «Мультипанорама».
7.50 «Эсмеральда». Т/с.
9.00 «Ойболанинг саргузаштлари».
9.10 «Бўлажак генерал».
9.30 «Бу қандай ясалган?»
9.50 «Истиқлол қайтарган номлар».
10.00 «Давр».
10.10 «Боқий булоқлар».
10.30 «Жейн Эйр». Т/с.
11.30 «Салом, ёшлар!»
12.10 «Кумуш». Т/с.
13.00 «Давр».
13.10 «Мультипанорама».
13.30 «Сарой шамоли». Т/с.
14.20 «Мўъжизавий дунё».
15.10 «Ёшлик баёзи».
15.30 «Ёш ҳуқуқшунослар».
15.50 «Баркамоллик сари».
16.00 «Давр».
16.10 «Кўҳна ва боқий».
16.20 «Катта танаффус».
16.50 «Кувноқ дўмбоқчалар».
17.00 «Жаноб 420». Б/ф. 2-қисм.
18.25 «Ёшлик наволари».
18.35 «13-студия».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «Давр».
19.30 «Кумуш». Т/с.
20.20 «Ёшлик наволари».
20.30 «Кўзумнчок».
21.00 «Сарой шамоли». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Табассум қил!»
22.40 «Нахотки сен». Б/ф.
00.30 «Оргбн оҳанглари».
1.20 «Салом, ёшлар».
2.00 «Давр».
2.30 «Зумрад тош изидан». Б/ф.
4.20 «Олтин тупроқ».
4.30 «Телепорт». Б/ф.
5.50-6.00 «Мадҳия».

SPORT

22.05 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.
23.45 Пайшанба дастури анонси.
23.55 Футбол. Англия чемпионати шари.
00.40 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.
02.40 «Мураббий».
03.15 Муайтай. Жаҳон чемпионати.
04.15 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Иордания - Ўзбекистон.

Пайшанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 18.45, 21.45, 01.00, 03.00 хабарлар.
06.50 «Мураббий».
07.05 «Жаҳон спорти юлдузлари».
07.25, 13.00, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика. Мультифильм.
08.20 Футбол. Мундиал-2010. италия - Парагвай.
10.05 «Ифтихор».
10.35 Футбол. Англия чемпионати шари.
11.15 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
...
13.35 Футбол. Осиё чемпионати. U - 16. КХДР - Эрон.
15.20 Биатлон. Жаҳон кубоги.
16.15 Футбол. УЕФА чемпионлари лигаси.

18.30 «Жозиба».
19.05 Муайтай. Жаҳон чемпионати.
20.05, 22.00 Саломатлик хазинаси.
20.10 Футзал. Ўзбекистон кубоги.
22.05 ИнтерФутбол.
23.45 Жума дастури анонси.
«Спортландия». Мультифильм.
08.15 Футбол. Мундиал-2010. Кот д'Ивуар - Португалия.
09.55 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.
10.55 «Футбол мундиал».
11.20 ИнтерФутбол.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.

TV-MARKAZ

1.30 Серил «ПРИТВОРЩИК».
3.00-5.00 «ОДЕРЖИМОСТЬ» худ. фильм.

Пайшанба

7.00, 7.40, 10.30, 14.10, 18.10, 19.40, 20.35, 2.15 Узбек наволари.
7.30 Prime time (рус)
8.10, 14.40, 18.40 Серил «МУХАББАТ АСИРАСИ».
9.00 Дневник M&TV 2010.
9.40, 21.10 Серил «БРЮС ЛИ ХАКИДА АФСОНА».
11.30 «КОНТАКТ» худ. фильм.
14.00 Дневник M&TV 2010.
15.30 Мультифильм.
17.00 «Baby Terra Landiya».
17.30 «Премьера».
18.00 Prime time (рус)
19.30 Дневник M&TV 2010.
20.00 «Jannat Makon».
22.00 «МУРУВВАТ» худ. фильм.
23.50 Миксер.
1.30 Серил «ПРИТВОРЩИК».
2.50-5.00 «ГОДЗИЛЛА» худ. фильм.

Жума

7.00, 9.10, 10.30, 13.20, 17.10, 18.00, 19.40, 2.15 Узбек наволари.
8.10, 14.40, 18.40 Серил «МУХАББАТ АСИРАСИ».
9.00 Дневник M&TV 2010.
9.40, 21.10 Серил «БРЮС ЛИ ХАКИДА АФСОНА».
11.30 «МУРУВВАТ» худ. фильм.
14.00 Дневник M&TV 2010.
14.30 Prime time (рус)
15.30 Мультифильм.
17.30 «Премьера».
19.30 Дневник M&TV 2010.
20.00 «Bollywood Markazida».
22.00 «ДРУЖБА» индийский худ. фильм.
1.00 Миксер.
1.30 Серил «ПРИТВОРЩИК».
3.00-5.00 «АМЕРИКАНЕЦ» худ. фильм.

Шанба

7.00, 7.40, 8.10, 10.40, 14.40, 16.50, 18.20, 19.35, 2.15 Узбек наволари.
7.30 Prime time (рус)
8.00 Дневник M&TV 2010.
9.00 Мультифильм.
11.30 «Дружба» индийский худ. фильм.
14.30 Дневник M&TV 2010.
15.00 «ЭРАГОН» худ. фильм.
18.00 Prime time (рус)
18.10 Дневник M&TV 2010.

Жума

6.00 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Тонгги парвоз».
7.10 «Мультипанорама».
7.50 «Эсмеральда». Т/с.
9.00 «Ойболанинг саргузаштлари».
9.10 «Даврнинг боласи».
9.30 «Бу қандай ясалган?»
9.50 «Истиқлол қайтарган номлар».
10.00 «Давр».
10.10 «Буюк Хитой девори».
10.30 «Жейн Эйр». Т/с.
11.30 «Салом, ёшлар!»
12.10 «Кумуш». Т/с.
13.00 «Давр».
13.10 «Мультипанорама».
13.30 «Сарой шамоли». Т/с.
14.20 «Мўъжизавий дунё».
15.10 «Ёшлар ва қонун».
15.30 «Илҳом қанотлари».
15.50 «Кўҳна ва боқий».
16.00 «Давр».
16.10 «Баркамол авлод».
16.20 «Сирли ўрмонча».
16.50 «Кувноқ дўмбоқчалар».
17.00 «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади». Б/ф. 1-қисм.
18.35 «Хикоя».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «Давр».
19.30 «Кумуш». Т/с.
20.20 «Ёшлик наволари».
20.30 «Нуктаи назар».
21.00 «Сарой шамоли». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Табассум қил!»
22.40 «Шабнам». Б/ф.
00.20 «Ҳаётбахш наволар».
1.20 «Салом, ёшлар».
2.00 «Давр».
2.30 «Кучли жамоа». Б/ф.
4.20 «Олтин тупроқ».
4.30 «Уддабурунлар». Б/ф.
5.50-6.00 «Мадҳия».

Шанба

6.00 «Тараннум».
6.40 «Тонгги парвоз».
7.10 «Мультипанорама».
7.50 «Эсмеральда». Т/с.
9.00 «Ойболанинг саргузаштлари».
9.10 «Кичкинтойлар боғи».
9.30 «Бу қандай ясалган?»
9.50 «Истиқлол қайтарган номлар».
10.00 «Давр».
10.10 «Тасвир ва таассурот».
10.30 «Замонлар оша-2». Б/ф.
12.20 «Нуктаи назар».

Жума

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 18.45, 21.45, 01.00, 03.00 хабарлар.
06.50 «Олимп сари».
07.05 «Жаҳон спорти юлдузлари».
07.25, 13.00, 18.00 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика. Мультифильм.
08.20 Футбол. Мундиал - 2010. Янги Зеландия - Словакия.
10.05 Футбол. Испания чемпионати шари.
10.55 «Санъат ва спорт».
11.20 ИнтерФутбол.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.35 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Индонезия - Тожикистон.
15.20 Хоккей. пнл чемпионати.
16.35 Футзал. Ўзбекистон кубоги.
18.30 «Шижоат».
19.05 Муайтай. Жаҳон чемпионати.
20.05 Саломатлик хазинаси.
20.10 «Футбол мундиал».
20.40 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.
22.00 Саломатлик хазинаси.
22.05 ИнтерФутбол.
23.45 Танаффусда шанба дастури анонси.
23.55 Футбол. Чемпионлар лигаси шари.
00.45 «Шижоат».
01.15 Футбол. Мундиал - 2010. Янги Зеландия - Словакия.
03.15 Муайтай. Жаҳон чемпионати.
04.15 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Индонезия - Тожикистон.

Шанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Саломат бўлинг».
06.30, 08.00, 19.00, 22.00 хабарлар.
06.50 «Шижоат».
07.05 «Жаҳон спорти юлдузлари».
07.25, 13.05 Болалар майдончаси: Тонгги гимнастика. «Спортландия». Мультифильм.
08.15 Футбол. Мундиал-2010. Кот д'Ивуар - Португалия.
09.55 «БРЕЙН - РИНГ». Интеллектуал ўйин.
10.55 «Футбол мундиал».
11.20 ИнтерФутбол.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.

19.00 «Топ-10».
20.30 «Бизнинг мусика».
21.30 «Премьера».
22.00 «ПРИНЦ ПЕРСИИ: ПЕСКИ ВРЕМЕНИ» худ. фильм.
00.00 - 1.30 «Другая музыка».
1.30 Серил «ПРИТВОРЩИК».
3.00-5.00 «МАНОЛЕТ» худ. фильм.

Якшанба

6.00 «Тараннум».
6.40 «Тонгги парвоз».
7.10 «Мультипанорама».
7.30 «Ёшлар нонуштаси».
8.00 «Бензоколонка маликаси». Б/ф.
9.20 «Соғлиқ - бойлиқ».
9.40 «Бахтингни авайла».
9.55 «Телетухфа».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Тундан тонггача». Б/ф.
12.10 «Айланай».
12.30 «Кўзумнчок».
13.00 «Ош бўлсин!»
13.30 «Сирли ўрмонча».
14.00 «Афсонавий мамлакат». М/ф.
15.30 «Болалар табассуми».
15.40 «13-студия».
16.00 «Кай ва Герда». Б/ф.
18.50 «Баркамол авлод».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Зураки миллионер». Б/ф.
21.00 «KINOMANIYA».
21.30 «Севги афсонаси». Б/ф.
23.50 «Шарқ гавҳари».
00.30 «Шарқ оҳанглари».
1.20 «Ватанпарвар».
2.00 «Давр ҳафта ичида».
2.30 «Дахлсиз худуд». Б/ф.
4.50 «Дўстлик кўприклари».
5.50-6.00 «Мадҳия».

13.35 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Кувайт - Ироқ.
15.20 «Жаҳон спорти юлдузлари: «Жордан парвози».
16.15 Футбол. Мундиал-2010. Кот д'Ивуар - Португалия.
18.00 «Спортимиз маликалари».
18.15 Муайтай. Жаҳон чемпионати.
19.15, 22.15 Саломатлик хазинаси.
19.25 Футбол. Германия чемпионати. «Гамбург» - «Байер».
21.30 «RING».
22.20 «Стать ближе». Ток - шоу.
23.05 Кёрлинг. Европа чемпионати.
23.50 Якшанба дастури анонси.
23.55 Футбол. Испания чемпионати.
01.55 «Спортимиз маликалари».
02.10 Муайтай. Жаҳон чемпионати.
03.00 Биатлон. Жаҳон кубоги.
04.15 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Кувайт - Ироқ.

Якшанба

06.00 «Хайрли тонг!»
06.10 «Спортимиз маликалари».
06.30, 08.30, 18.30, 20.30 хабарлар.
06.50 Футбол. Мундиал-2010. Бразилия - КХДР.
08.50 «Кувноқ стартлар».
09.25 «Тренируемся вместе».
09.45 «Аптека слушает».
10.30 «RING».
11.00 Футбол. Чемпионлар клуби.
11.20 Футбол. Испания чемпионати.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.05 «Стать ближе». Ток - шоу.
13.50 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Шарқий Тимор - Япония.
15.35 Футбол. Чемпионлар клуби.
15.55 «Спортчилар оиласи».
16.25 Футбол. Италия чемпионати. «Болонья» - «Милан».
19.05 «Спорт - менинг ҳаётим».
19.30 Саломатлик хазинаси.
19.35 «Ринг қироллари».
20.55 Футбол. Англия чемпионати. «Тоттенхэм» - «Челси».
22.50 Саломатлик хазинаси.
22.55 Трампиндан сакраш. Жаҳон кубоги.
23.50 Душанба дастури анонси.
00.00 Кёрлинг. Европа чемпионати.
00.50 «Спорт - менинг ҳаётим».
01.15 Футбол. Мундиал-2010. Бразилия - КХДР.
03.00 Биатлон. Жаҳон кубоги.
04.15 Футбол. Осиё чемпионати. U-16. Шарқий Тимор - Япония.

1 декабр — Жаҳон ОИТСга қарши кураш кўни

## Барчани ҳушёрликка ундайди

Таъкидлаш жоиз, бу касаллик юртимизда ҳам қайд этилган. Бедардга чалинганлар асосан 25 ёшдан 49 ёшгача бўлганлардир. Бу ҳолат, шубҳасиз, барчани огоҳликка чақиради. Айниқса, эртамик эгалари бўлмиш ёшларни бу иллатдан асраш, уларга касалликнинг оғир ва аянчли оқибатини тўғри тушунириш долзарб вазифалардан биридир. Шу мақсадда ташкил этилган Республика ОИТСга қарши кураш маркази ва унинг тасарруфидagi ҳудудий марказлар ҳамда тиббиёт бирлашмалари биргаликда мазкур хасталикка чалинган беморларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Марказ бўлим мудири Шухрат Умархўжаев амалга оширилаётган ишлар борасида шундай дейди:

— Республикада бу касалликка қарши кураш борасида ҳуқуқий асос яратилган. Жумладан, Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги «ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмаларини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда ОИВ инфекцияси профилактикаси ва унга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўрсатади.

Уларда ОИВ инфекцияси тарқалишини олдини олишга йўналтирилган профилактик, эпидемияга қарши, диагностика, даволаш тадбирлари амалга оширилади. ОИВ инфекциясини юктириб олган шахсларга саломатлигини ва меҳнатга

Ер юзиде мазкур хасталик билан оғриётганлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Дунёда ҳар йили 2,7 миллион киши ОИВ (орттирилган иммунитет танқислиги вируси инфекциясини юктириб, улардан 2 миллиони вафот этади. Бирлашган миллатлар ташкилотининг ОИВ/ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) бўйича дастури маълумотларига кўра, дунё бўйича ОИВ инфекцияси билан яшаётган кишилар сони 33,4 млн. нафарни ташкил этмоқда.

лаёқатини сақлаш учун зарур бўлган диагностика ва тиббий ёрдам кўрсатиш ташкил этилади ҳамда аҳоли орасида касалликнинг олдини олиш борасида ахборот-тушунириш ишлари олиб борилади. Марказий ва ҳудудий ОИТСга қарши кураш марказлари ва бошқа даволаш профилактика муассасаларида юқорида қайд этилган масалалар бўйича аноним равишда мурожаат этган шахсларнинг исми-шарифи сир сақланган ҳолда ихтиёрий бепул маслаҳат олиш ва текширувдан ўтиши учун барча шароит яратилган.

ОИВ инфекциясини юктириб олган киши ўзи танлаган шифокорга учраши ва даволаниши мумкин. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар Миллий режаси»нинг асосий йўналишларидан бири ҳам аҳоли ва ёшлар ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси бўйича тизимли ахборот-тушунириш ишларини ташкил этишдир. Мазкур йўналиш бўйича ОИВ инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш борасида социологик тадқиқотлар ўтказилмоқда. Халқимизнинг менталитети, маънавий, ахлоқий негизлари ва кадрларини ҳисобга олган ҳолда юқумли касалликлар профилактикаси, шахсий гигиена масалалари тўғрисида ўқув қўлланмалари, методик таълим материаллари нашр этилмоқда, кенг қамровли тушунириш ишлари олиб борилмоқда.

Таъкидланганидек, кўрилатган чора-тадбирлар нати-

жасида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Айниқса, бунда меҳнат мигрантлари, яъни чет давлатларга меҳнат фаолияти билан шуғулланишга бориб-келаятган кишиларни махсус тиббий текширувлардан ўтказиш, улар оила аъзоларини касалланишдан асраб қолиш чоралари муҳим натижалардан саналади. Эпидемиологик назорат натижалари охириги йилларда хорижда ишлаш учун чиқиб келаятган кишилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида мазкур касаллик билан хасталанганлар сони ортиб бораётганини кўрсатади. Шу боис меҳнат мигрантлари ва уларнинг яқинлари орасида касалликка қарши кураш чораларини амалга ошириш ҳудудимизда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Касалликдан ёшларни асраш, уларга ОИТС ҳақида тиббий билгиларга асосланган маълумотлар бериш айна вақтда нафақат Республика ОИТСга қарши кураш маркази ходимларининг, балки барчамизнинг ўта муҳим вазифамиздир. Бу борада мактаб, лицей, коллеж ва олий таълим муассасаларининг ўқув дарсликларига киритилган махсус тиббиёт дарслари, семинар ва мутахассислар иштирокидаги учрашувлар билан бир қаторда, ҳар ким соғлом турмуш тарзига риоя этиши, қалб ва жисмонан покиза бўлиши, энг асосийси, олий неъмат бўлмиш тирикликни яхши амалларга бағишлаб яшаши ҳар қандай шароитда ҳам муҳимдир.

Наргиза АСАДОВА

## Ўзингизни асранг!

Бу хасталик биринчи марта Американинг касалликларни назорат қилиш маркази томонидан 1981 йилда пневмоцистали пневмония билан шифохонага ётган ёш беморларда аниқланган. Касалликнинг охириги босқичдаги тахлиллари ва клиник кўринишларига асосланиб «Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми» (ОИТС) деб номланади. Одатда касаллик юққанда, бемор ўз организмда ҳеч қандай ўзгариш сезмайди ва ҳеч қандай ҳолат бўйича шикоят қилмайди, лекин ОИВни юктириб олган вақтдан бошлаб инфекция манбаи ҳисобланади.

ОИВ вируси асосан зарарланган қон ва қон маҳсулотлари текширилмасдан қуйилганида, гиёҳванд моддаларни томир орқали юборишда умумий шприц ва игнадан фойдаланилганда, соқол олиш ускуналарида кўпчилик фойдаланилганда, маникюр-педикюр муолажаларида дезинфекция, стерилизация ва санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмасдан ишлаш оқибатида юқиши мумкин.

Бундан ташқари, касалланган мижоз билан жинсий алоқа қилиш пайтида, бемор онадан ҳомиладорлик пайтида ҳомилага, туғруқ жараёнида ва туғруқдан сўнг кўкрак сути орқали юқиши исботланган.

Лимфа тугунлари катталашуви (лимфоаденопатия), қисқа вақт ичида тана вазнининг 10 фоиздан ортиқ камайиши, бир ойдан ортиқ тана ҳарорати 39-40 даражага кўтарилиши, ич кетиш (диарея), оғиз бўшлиғида турли яралар пайдо бўлиши ва тери касалликлари намоён бўлиши биринчи клиник белгилар саналади.

Касалликдан сақланиш учун, аввало, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, гиёҳвандлик ва зинодан сақланиш ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилиб яшаш тақозо этилади.

Ҳукуматимиз томонидан ОИВ вирусининг юқиши ва ривожланиши олдини олиш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланган. Шу жумладан, барча ҳомиладор аёллар назоратга олинган бўлиб, тўлиқ лаборатория текширувидан ўтказилади.

Никоҳдан ўтувчи ёшларимиз тиббий кўрикдан олдин, албатта ОИВ инфекциясига лаборатория усулида бепул текширилади, айниқса, хорижда ишлаб келганлар суҳбат ва текширувдан сўнг никоҳдан ўтишмоқда.

Вилоятимизда ОИВ инфекциясини юктириб олган шахслар иммун тизимини мустаҳкамлаш учун етарли миқдорда дори-дармон ва вирусга қарши препаратлар захираси яратилган.

Халқимиз бежиз саломатликдан катта бойлик йўқ, дея таъкидламайди. Мабодо, сизда ОИТС билан боғлиқ муаммо юзага келган бўлса, ОИТСга қарши кураш маркази ёки туманлардаги марказий поликлиника қошида ташкил этилган «Ишонч ва аноним хона»ларга мурожаат қилишингиз мумкин. Барча хизматлар бепул бажарилади. Бу масканларда ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб топасиз, сиз билан бўлган мулоқотлар сир сақланади, шахсингиз ошкор этилмайди.

Клара ИСМАТОВА,  
Наманган вилоят ОИТСга қарши кураш маркази вақти

## Хавфли касаллик

қунда хорижда, айниқса, Европада жуда кенг тарқалаётгани жаҳон афкор оммасининг саросимага тушишига сабаб бўлаятир. Бизга қўшни бўлган Россия, Қозоғистон, Туркменистон ҳамда Тожикистон давлатларида бу даҳшатли офат таъсиридан азият чекаётганлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида кўп гапирилмоқда.

Республикада олиб борилаётган профилактика ишларининг яхши йўлга қўйилгани сабаб, бу хавфли хасталикнинг

ўшиш, кўпайиб кетиш хусусиятига эга эмаслиги кўриниб турибди. Охириги 3 йилда Туркент шаҳри бўйича ОИТСга чалинганлар сони ошмаганлиги бизни хурсанд қилади. Маҳаллалар ҳамда таълим муассасаларида ўтказилаётган тадбирлар ҳам ижобий самара бераётир.

Моҳиба ОБИДОВА,  
Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш Маркази бош шифокори

ОИВ инфекцияси парентерал, вертикал ва жинсий алоқа орқали юқади. Парентерал — ОИВ инфекцияси билан зарарланган, текширилмаган қон ва қон маҳсулотлари беморларга қуйилганда, аъзо ва тўқималар кўчириб ўтказилганда, ностерил тиббий ва нотиббий асбоблардан фойдаланилганда юқади.

## Қай тарзда юқади?


Шу билан бирга, қон қолдиқлари мавжуд бўлган устара ва тиш чўткалари умумий ишлатилганда, татуировка, косметика муолажаларида, бир марталик шприцлар қайта ишлатилганда ҳам юқиши мумкин.

Шу ўринда айтиш муҳимки, жароҳатланмаган тери ва шиллик қаватлар орқали касаллик юқмайди. Шунинг учун бемор билан битта идишдан овқат ейиш, у билан гаплашиш, қўл бериб кўришиш, қучоқлашиш, умумий чўмилиш хавзаларидан фойдаланиш хавfli эмас.

Олимларнинг фикрича, хусусан ОИВ инфекциясига ягона, хос белгилар мавжуд эмас. Кўпинча ОИТС бошқа касалликлар белгилари билан намоён бўлади. Айрим беморларда касаллик юққандан сўнг 6-10 ҳафта ўтгач, бирламчи ўткир клиник кўриниш даври ривожланиши мумкин. Бу даврда беморда гриппга хос белгилар кузатилади. Бунда камқувватлик, иштаҳанинг кескин камайиши, йўқ бўлиши, кўп терлаш, тана ҳароратининг юқори кўтарилиши, лимфа безлари шишиб кетиши, жигар ва талокнинг катталашуви кузатилади.

Албатта, ОИТС касаллигига учрамаслик учун ахлоқ қоидаларига амал қилиш, тартибли жинсий ҳаёт кечириш лозим. Фақат шахсий гигиена воситаларидан фойдаланиш. Тиббий муолажа олиш зарурияти туғилганда, фақатгина стерил, бир мартаба ишлатиладиган асбоблардан фойдаланиш зарур.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
Саҳифани Ж.ШАРОФБОВ тайёрлади



ОИТС ўта хавfli касаллик бўлиб, уни ретровирус гуруҳига мансуб вирус кўзгатади. Одамлардаги иммун танқислик вирусини организмнинг хужайралари ва барча биологик суюқликлар (қон, сперма, сўлак, кўз ёши, тер, сут ва бошқалар)да аниқлаш мумкин.

ОИТВ организмга жинсий алоқа, парентерал муолажалар (ностерил игна, шприц ва бошқа асбоб-ускуналарини қўллаш), қон ва унинг қўшмалари, унинг ўрнини босувчи препаратларни қўллаш, инсон аъзолари ва тўқималарни кўчириб ўтказиш (трансплантация) вақтида юқади. Албатта, ОИТСнинг ҳозирги

# Қашқадарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

**Барча юртдошларимизни  
Конституциямизнинг 18 йиллиги  
билан чин дилдан муборакбод этади.  
Инсон шаъни, қадр-қиммати, тинч ва  
фаровон ҳаётимиз кафолати бўлган  
Бахтимиз Қомуси ҳар доим  
йўлларимизни йўлчи юлдуз сингари  
нурафшон этаверсин.**



**Озод ва обод  
юртимизда фойзли  
ва қувватли ҳаёт  
кечирishi бахти  
барчамизга насиб  
этсин.**

**Байрамимиз билан  
қутлаймиш, азиз  
юртдошлар!**

**Б**аланд қоя, тоғу тош ва пасттексикларни макон қилган йирткич бўрилар тунги уста овчилардир. Аҳли тўдада ҳар бир жондорнинг ўз ўрни, ва-зифаси бор. Улар турдошлари билан ўзаро муносабати, ўлжага қачон ва қандай ташланиш кераклиги, хавф-хатарлардан ҳимояланиш каби қатъий ижтимоий тартибга амал қиладилар. Ҳар қандай об-ҳаво овга таъсир қилмайди.

Ёлдор тўда бирдамлиги ва ҳамжихатлигини намойиш этиб, оиласини очликдан асрайди. Ёзда сийрақлашувчи мўйнаси қишининг изгирин ва аёзли тунларида қалинлашиб, иссиқ сақлайди. Асосий «қуроллари» — кўз ва қулоқлари. Унча-мунча тўсиқ ва говлар тишларига дош беролмайди. Одамларга камдан-кам рўпара келади.

Раҳим амаки бошлиқ кичик фермер хўжалиги аёзолари баҳор келиб, кун илиши билан кўч-кўронини ортиб, сурув билан Арчасой дарасидаги яйловлар томон йўл олишади. Эгри-бугри, ўнқир-чўнқир довлардан ошиб ўтишга тўғри келади. Йирик бута ва чангалзорлар учраганида илдамлаш бировз қийин.

Атрофи маҳобатли қоя ва баланд харсангтошлар билан қуршаб олинган Ялтирсой яйлови узок-узокларга чўзилиб кетган. Яйловда онда-сонда бўрилар тўдаси учраб туришини ҳисобга олмаганда, қўйлар учун ем-хашак мўл. Саховатли яйлов йил давомида кўплаб жониворларни озуқа билан таъминлаб келади. Сурувдаги қўйлар ўсиб, этига-эт қўшилади. Кичик хўжалик ҳисобидаги юз чоғли совлиқдан ҳар йили режадаги тўл олиш, гўшт ва жун етиштириш топшириқлари ортиги билан удалаб келинади.

Тоғлар табиати ранг-баранг, жозибаси билан киши эътиборини тортади. Қор эриб, ўт-ўлан ниш урган. Майда ўсимликлар беҳисоб. Бу ерда хилма-хил гуллар уйғунлигини кўриш мумкин. Уларнинг жозибаси кўзини қувнатади. Ҳар қадамда жилға ва шаршараларни учрата-сиз. Тонгданок сон-саноксиз қушлар чуғур-чуғури эшитилади. Айниқса, какликларнинг хониши кўнгилга хузур бағишлайди.

Баланд қоя ёнида йирткич пайдо бўлганида сурув «гурр» этиб тум-тарақай қочар, лекин махлуқ уларга ҳамла қилмасди. Унинг шу кунларда она бўлишга тайёргарлик белгилари кўзга ташланиб қолган. Чўпонлар эса қорва ортида тинч ва осойишта ҳаёт кечириб келишарди.

Сўнги кунларда она бўрининг қоя ёнидаги уясида тез-тез пайдо бўлиб туриши фермер эътиборини тортди. Жунлари хурпайиб, қовурғалари саналиб қолганлиги кўпайиб мавсуми бошланганидан далолат. Кичиктоиларнинг гўшт тановвул қилишларига ҳали бировз вақт бор. Шунданми, мустаҳкам оёққа туриб, теварак-атрофни яхши кўра олгунларича она бўри улардан узоклашмасди. Унинг гамхўрлиги машаққатидан далолат берарди. Эгизак бўри-ваччалар хавф-хатардан холи, хушчақчақ ва хотиржам яшашарди.

Бир куни Раҳим амаки сурув ортидан кетаётган ов билан машғул бўлган таниши-

ни учратади.

— Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди-ёв,— деди фермер отдан тушиб, у билан ҳол-аҳвол сўрашаркан. — Қишлоқда нима гаплар?

Кейин у бир неча тошни бирлаштириб ўчоқ тайёрлагач, олов ёқди.

— Тинчлик, — деди Турди мўйловини бураб. У ҳамон атрофдаги тик қоядан кўзларини узолмасди. — Қишлоқда тўйлар авжга чиққан.

— Ҳа, бу — тўкинчилик белгиси. Қишлоқ аҳли тўқ ва фаровон яшашпти.

Ўчоқда тоғолчанинг қуриган шохлари чарсиллаб ёнар, кумгон шақирлаб қайнар, суви чўққа сачрарди.

Қадрдонлар суҳбати авжга чиқиб, икки-уч одим нарида қашқа тўриқ ўт чимдимокда. Қўйлар маъраши эшитилиб турарди. Лекин кўп ўтмай, қўйлар боши оққан томонга ўт-ўлан излаб узоклашганда, сурув ортидан боришга тўғри келди.

— Бўриларнинг кўпайиш мавсуми бошланган, — деди фермер шошганича узангига оёқ кўяркан. — Тагин қоя ёнидаги уяларига бора кўрманг. Эҳтиёт-шарт...

Қўйлар маъраши ҳам тиниб, сурув кўздан узоклашди. Лекин Турди мўйловнинг огоҳлан-тиришига тундими-йўқми,

барибир харсангтош устига чиқиб, алламаҳалгача бўрилар уясини кузата бошлади. Уни кўпдан бўриваччаларнинг яшаш тарзи қизиқтириб келарди. Ҳадеганда, она бўри кўриши беравермагач, у тоғолчандан айритаёқ ясаб, ўқлоғлик милтигини елкасига осганича юрак ютиб, қоя ёнидаги уяга яқинлашди. Унинг теварак-атрофи озода ва саранжом-сарришталиги билан ажралиб турарди. Афтидан, кичиктоилар очликдан силласи қуриб уя оғзига келиб қолишганди. Овчи бундан фойдаланиб, эгизакларнинг бирини айри таёқ ёрдамида бўйнидан босганича халтага жойлайди. Кейин кўрққанидан худди ҳозир она бўри келиб қоладигандек бердан тезроқ кетишга шошилди ва ҳаяжонланганидан Раҳим амаки билан хайрлашишни ҳам унутди.

Тонг саҳар пайти итларнинг хуришидан фермер шошганича қўйлар қамаб қўйиладиган жойга келганида, ёвуз йирткичлар талонини кўргач, нима қиларини билолмай саросимага тушиб қолади. Ойдинда тоғлар яққол кўзга ташланиб турарди. Совлиқлар кўрққанидан кўранинг бурчагига тўпганиб олган, ўртада бир неча совлиқ ёнма-ён ётар, томоғи ғажилган, умуртқалари лат еган, бирининг эти суяккача шилиниб, қонга беланган ва орқа сони йўқ эди. Бу озлик қилгандай бир қўй ўмариб кетилганди. Ақл бовар қилмайди.

Раҳим амаки тонг ёришар-ёришмай сурувни ёрдамчисига тайинлагач, тўриқ қашқаси-

га эгар босиб, қишлоқ томон шошилди. Йўл-йўлакай отини жадаллатиб бораркан, «Турди мўйловнинг қасри тегмадимикин? Бўрилар инига зиён етказмадимикин?» деган ўй-хаёллар унга тинчлик бермасди. Етти-саккиз чақиримлик ёлғизоёқ йўл бир пасда босиб ўтилгач, фермер танишини дараклаб қишлоқ чеккасидаги пешайвонли уйга яқинлашаркан, аввалига бировз ўйлини қолди. Нима мақсадда келганини айтишдан истиҳола қилди. Лекин бостирмадаги симтўрдан ясалган қафас ичида бўри боласининг бўғиқ улаши қулоғига чалинган, тахминларининг нечоғлик тўғри-

зилиб турарди.

Салқин оқшомларда бошқа гайритабиий жониворларнинг ҳам гимирлаб қолиши ой ёруғида фаройиб томошага айланади. Тоғ тулкиси майда сут эмизувчиларни пойлайди. Кўрсичқон ҳашаротларга ўч. Кемирувчилар илдиз қидириш билан банд. Она бўрининг улаши эса атрофга тарқалиб, бундан кичиктоилар сергак торта бошлади. Улар ерга ётиб олганларича оналарига итоаткорлигини намойиш этиш билан жавоб қайтардилар. Афтидан, эшитилаётган товуш она бўрининг тезда қайтиб келишидан дарак берарди. Шунда Раҳим амаки беихтиёр кекса чорвадорларнинг «Увлаш йирткичлар учун муомала воситаси эканлиги, бир-бирларини товушлари орқали таниш ва тарқалганларини бирлаштириб туради» деган гаплари беихтиёр ёдига тушади. Ҳақиқатдан ҳам овози сеҳрли ва фаройиб бўлиб, жамоасининг жам бўлиб яшашини таъминлайди. Бу ҳаёт тарзининг асосини ташкил этади.

Кўп ўтмай, она бўри яна увлаб болаларига «кутиб туринглар» деган ишорани қиладди. Кейин у теварак атрофни хавф-хатарсиз топгач, болаларини чақира бошлайди. Ҳаял ўтмасдан эгизаклари етиб келишгач, уларни ялаб-юлқай бошлайди. Салқин оқшом поёнига етмоқда. Она-бола бўрилар эса уйларига шошилишарди. Уя бир неча бўлимлардан иборат бўлиб, йирткичлар теварак-атроф озодалигига аҳамият беришганди.

Ёзги таътил кунларини чўпонлар билан ўтказаётган Дилшод тунда ўзини эртақлар оламига тушиб қолгандек ҳис этди. Раҳим амаки жиянининг махлуқлар увлашидан ҳаяжонланиб юрагида кўрқув ҳисси пайдо бўлаётганини сезгач, хотиржам бўлишга ундайди. Шунда болакай тинчланиб ўзини тутиб олади.

Кунлар, ҳафталар ўтгач, эгизак бўриваччалар қувватга тўлиб, анча бўйга тортиб қолишганди. Иштаҳалари ҳам чакки эмас. Уларнинг болалик онлари ёқимли ва қувнок ўтар, чамаси тагин олти ой ташвишсиз яшашлари мумкин. Кичиктоилар тўдада бўлганларида теварак-атрофни эҳтиёткорлик ва синчковлик билан кузатишар, секин-аста «ов» қилиш кўникмаларини ҳам ўзлаштириб боришарди. Уларнинг бир-бирларига суйкалиши эса худди одамларнинг қўл бериб саломлашишларига ўхшарди. Лекин ҳали олдинда масъулиятли ва хатарли «сафар»лар турганини улар билишмасди.

Куз кунларининг бирида уч эгизак очликдан дайдиб тоғу тош оша қалтис ҳаракатларини намойиш қилиб қўйишади. Улар сурув ёнидан бепарво ўтиб кетолмайдилар. Эгизакларнинг каттаси чўпонларнинг бепарволигидан фойдаланиб,

сой томондан секин эмаклаб келиб тўп бўлиб турган қўйлар орасидан нимжонроғига ҳамла қиладди. Қўйлар хурқанлари йўқ. Шунда ёш йирткич бир ташланишидаёқ тўқлининг томоғидан бўғиб, жароҳатлайди. Эпчиллигини қаранг-а. Унинг қоziқ тишлари устарадек ўткир эди. Мол жонивор кўрққанидан қалтирар, махлуқ уни ўз ҳолига қўйганида қочиб кетмоқчи бўлади. Лекин у осонликча тутиб оларди. Бу бир неча бор такрорланди. Худди «мушук-сичқон» ўйинига ўхшарди. «Ўйин»га бошқа эгизаклар ҳам қўшилишади. Гавдаларининг эгилувчанлиги, эпчиллиги ва кўз қарашларининг мувофиқлиги уларнинг ютуғи, дейиш мумкин. Лекин «ўйин»нинг охири фожиа билан тугамайди деб ким айтолади?


Тепалиқдаги ўтовдан тўрт тараф яққол кўзга ташланиб турарди. Чўпон бу воқеадан хабар топгач, кўзлари косасидан чиқаёзди. У воқеа жойига етиб келгунича бўриваччалар бир-бирларидан қизганиб молни бўғизлаб, чўпонни доғда қолдириб кетишди. Ёш йирткичлар тажрибалари такомиллашиб борар, улар ҳадемай катталар олдида мустақиллик аломатларини кўрсатишлари керак эди. Лоқайд чўпоннинг эса ҳафсаласи пир бўлиб қолади. Ажабланарлиси, шу вақтгача у куппа-кундузи бунақасини учратмаганди.

Тун атрофга ўз чойшабини ёйганида яна ҳайвонот олами жонлана бошлайди. Эгизак бўриваччалар қоронғу тушгач ҳалиги тўқли гавдасини бўлақларга бўлиб, уя атрофига олиб келишади. Алламаҳалда ёлдор етакчилигидаги бўрилар тўдаси узок «сафар»дан қайтишганларида болалари нимта қолдиғини тозалаётганлигининг устидан чиқишади. Уя атрофида суяк ва жун тутамларигина қолганди. Шунда она бўри асабийлашиб, ириллаганича болаларини дуч келган тарафга тишлаб иргита бошлайди. Кичиктоиларнинг гингшиб уяларига яширинишидан бошқа чоралари қолмаганди.

Шу оқшом йирткич бўрилар ҳориб-толиб келган бўлишларига қарамай бир зумда яна кўздан ғойиб бўлишади. «Ов» улар учун шунчаки кўнгил очиш учун эмас, балки зарурат, ҳаёт манбаидир. Йирткичлар тоғу тош оша қамиш ва чакалзорлар оралаб, охири сой этагидаги қорайиб турган бошқа бир кўра яқинида тўхтайдилар. Ёлдорнинг баланд сим тўр девордан ошиб ўтишига тўғри келади. Ниҳоят, кўп оворагарчилик уларга кичкина «мукофот» — тўқлини тақдим этади. Ёлдор унинг бўйнидаги жунидан маҳкам тишлаб думи билан қамчилай бошлайди. Қолганлари унга кўмаклашишади. Узок йўл азобидан сўнг атрофда ёйилиб юрган сурувга дуч келгач, ўлжани озод қилишди. Қўй жонивор жонжаҳди билан ўзини сурув ичига уради.

Мана ўша воқеага ҳам бир ойча вақт ўтди. Қизиги, Раҳим амаки бегона тўқлининг сурувга қачон ва қаердан келиб қўшилганини ҳалигача билолмай ҳайрон. Мол жониворнинг ёши ва ташқи кўриниши ҳам бўғизлаб кетилган тўқлидан деярли фарқ қилмасди. Унинг ҳеч қаеридан жароҳат излари йўқ эди.

Абдулла САИДОВ




## Буғда пишириладиган кабоб

1. 1 кг. қўй ёки мол гўшти ёнғоқ катталигида тўғралади. Гўшт сирли идишга солиниб, тўғралган 200 гр. пиёз, 3-4 ош қошиқ узум сиркаси, туйилган қизил гармдори ёки қора мурч, кашнич уруғи, зира, туз (хаммасидан бир чой қошиқда) билан аралаштирилиб маринадланади. Маринад 4-5 соат салқин жойга қўйилади. Сўнг металл сих ёки мевали дарахт шохларидан тайёрланган кесмаларга 5-6 бўлақдан гўшт сихланади.

2. 750 гр. гўштнинг

қобирғали қисми бўлақларга бўлиниб, тўғралган лаҳм гўшт бўлақлари билан бирга сирли идишга солинади. Гўшт 600 гр. тўғралган пиёз, таъбга кўра туз, зиравор ва бир чой қошиқда узум сиркаси билан аралаштирилиб, бир сутка салқин жойда сақланади. Гўштга таъм ва туз киргач, у идиши билан суви қайнаб турган бошқа идиш устига қўйилади (сув идишни тўлдирмай, зирхидан 3 см. паст бўлиши керак). Гўшт солинган идиш



оғзи зич ёпилиб, 2-3 соат паст оловда қайнатилади.

Кабоб пишгунча таг қисмдаги сув қайнаб тугаб қолмаслигини назорат қилиш керак.

Кийимларни бўяшдан олдин уларнинг чанги тозаланади ва доғлари кетказилади. Акс ҳолда доғлар ўрни бўялмай қолиши мумкин. Кийим бир текисда яхши ранг олиши учун яхшилаб ювилади, чайилади, сўнгра қуритилмасдан бўялиши керак. Хўл матолар бўёқни яхши олади. Янги мато ёки тоза кийимлар ҳам бўялишидан олдин илиқ сувда хўлланади.

Бўялган кийимни қайтадан тикмоқчи бўлсангиз, яхсиси, аввал кийимни чокларидан сўкинг, кейин бўянг. Кийим аввал бўялиб, кейин чокларидан сўкилса, чоклар бўялмай қолиши мумкин.

## Уй шароитида газламаларни бўяш

Кийимлар тоза ва сири кўчмаган идишда (тоғора, челақ) бўялиши лозим. Одатда сувнинг массаси бўялаётган кийим оғирлигидан 30 баробар кўп бўлади. Кийимлар қора, тўқ кўк, тўқ яшил ва ҳоказо рангларга бўялаётганда эса сув бўялаётган кийимдан 20 баробар кўп бўлиши керак.

Бўёқ олдин 1-2 стакан иссиқ сувга солиниб аралаштирилади ва қайнатиб олинади. Шундан кейин аралашма юпка матодан ўтказилиб бўяш учун аввалдан тайёрлаб қўйилган сувга қўшилади.

Уй шароитида пахта ва жун матоларни бўяш учун дўконларда сотиладиган анил бўёқларидан фойдаланилади. Бу бўёқларда вискоза, шпател, зигир толали ва пахтали матоларни ҳам бўяш мумкин.

Пахта ва зигир толали кийимларни бўяётганда сувга сода солиб юмшатиш керак. Кийим 40-50 даража иссиқликдаги сувга солинади ва 10-15 дақиқа (кир ювишда ишлатиладиган ёғоч билан) тўхтамасдан аралаштирилади ва 30-40 дақиқа давомида қайнатилади.

Агар жун матосидан тикилган кийимларнинг астари бўлса, ҳамма жойи бир хил бўялиши учун улар бир неча жойидан сўкиб чиқилади. Бўялган кийимлар икки марта илиқ сувда, сўнгра совуқ сувда, сув тиниқ рангга киргунча чайилади. Бўялган жун ва табиий ипак матолардан тикилган кийимлар чайиладиганда сувга сирка (7-8 литр сувга 2 ош қошиқ) қўшиб юбориш керак.

Агар буюм бўялгандан кейин ранги сувга чиқса, ундан ортиқча бўёқни чиқариш учун яхшилаб ювиш лозим.

Эслатма: Кийимларни бўяшдан аввал уларнинг тугмалари, металл илгаклари ва ҳоказоларни олиб ташлашни унутманг. Акс ҳолда, улардан занг чиқиб, кийимларни яроқсиз ҳолга келтириши мумкин.

## Товуқли суфле

300 гр. товуқнинг лаҳм гўшти қиймалагичдан чиқарилиб, элакдан ўтказилади. Унга 50 гр. қизил вино, юмшаган сариёғ, 250 мл. сут қўшилади. Ҳосил бўлган масса 40 дақиқага музлатгичга қўйилади. Қийма яна яхшилаб пиштиради. 1 та тухум оқи совитилиб (музлатгичга озгина вақтга қўйилади), кўпиртирилади ва қиймага қўшиб аралаштирилади. Қийманинг устига туз ва мурч сепилади.

Қолип туби ёғланиб, унга дастлаб толқон сепилади ва қийма солинади. Бошқа каттагина идишга озгина сув қўйилиб, сувга қийма солинган идиш жойлаштирилади. Товуқ гўшти қиймали суфлеси шу тарзда 20-30 дақиқа давомида буғда димлаб пиширилади. Товуқли суфлени дастурхонга тортишдан аввал устига тўғралган кўкат сепилади.

## Қиймали ТОВУҚ


1,5 кг. тозаланган товуқ совуқ сувда ювилади, устига майда туз ва қора мурч сепилади. 300 гр. қўй гўшtidан қийма тайёрланиб, майда кубик қилиб тўғралган 2 дона нордон беҳига аралаштирилади.

Беҳили қийма товуқ ичига тикилади ва қасқонга қўйилади. Товуқ 2,5 соат давомида буғда димлаб пиширилади.

Таом салат ва совуқ газак сифатида сувда қайнатиб пишрилган тухум билан бирга дастурхонга тортилади.



## Тузланган карам



Қаттиқ, яхши пишган кечки нав карамларни танлаб олинг, уларнинг яшил япроқларини узиб, қаттиқ жойини кесиб ташланг. Майдалаб тўғраганингиздан сўнг сомонча шаклида тўғралган қизил сабзи, («Тошолма» навидаги олма ва қизил лавлагидан ҳам солиш мумкин), зира ва лавр баргини солинг. Кейин туз қўшиб яхшилаб аралаштиринг ва тайёрлаб қўйилган бочкага солинг (бочканинг тагига бир қатор қилиб карам япроқларини териб чиқинг, сўнг тўғралган карамни солинг).

Бир неча соатдан сўнг карам ўзидан шарбат ажрата бошлайди ва ферментация жараёни бошланади. Куз ойларида тузланган карам 10-15 кундан кейин тайёр бўлади. Шундан сўнг бочкани салқин жойга олиб қўйинг. 2-3 ҳафтадан кейин карамни истеъмол қилиш мумкин.

## Маринадланган майда аччиқ гармдори

1 литрли банкалар учун: 0,5 кг. майда аччиқ гармдори қаламчалари, 1 стакан сув, 1 стакан сирка, 3 ош қошиқ туз.

Аччиқ гармдори қаламчаларини ювиб банкаларга солинг. Туз ва сувни аралаштириб қайнатинг ва совигандан сўнг банкаларга қўйинг. Сўнг унга қайнатилган сирка қўшинг. Банкаларни қопқоқ билан ёпиб, сув қуйилган идишга солинг ва сув қайнаб чиққан вақтдан бошлаб 5 дақиқа давомида стерилланг. Сўнг қопқоқларни маҳкам ёпиб, совигунча тўнкариб қўйинг.



## Гўзаллар учун махсус шўрва

Тавсия этмоқчи бўлган бу шўрва танадаги захарли моддаларни чиқариб, тозалайди. Бу шўрвани ҳар куни уч маҳал: нонушта, тушлик ва кечки овқатда истеъмол қилинса, бир ойда қоматни гўзал қилиб, соғлигингизни мустаҳкамлайди.

Шўрва тайёрлаш учун 500 грамм карам, икки дона булғор қалампери, 4

бош пиёз, 2 боғ селдерей, бир килограмм помидор ва таъбга кўра туз ва зираворлар керак бўлади.

Карам, пиёз, булғор қалампери майдалаб тўғралади. Помидорнинг уруғи олиб ташланиб, киргичдан ўтказилади. Қайнаб турган сувга барча масалликларни солиб, ўн дақиқа давомида қайнатилади. Тайёр бўлган шўрвага майда тўғралган селдерей ва зираворлар қўшиб, истеъмол қилинади.



ёпинг. Қоронғи, салқин жойда сақланг. Бу жараёни бир неча марта такрорлаш зарур. Натижада, гўшт тузни ўзига яхши сингдириб олади ва устида қаттиқ жилд ҳосил қилиб, айнамай туради.

Овқатга солишдан аввал тузланган гўштни илиқ сувда чайиб олинг ва овқатга туз солманг. Худди шу тартибда думба ва чарви ёғларини ҳам тузлаш мумкин.

## Тузланган гўшт

Гўштни узун ингичка бўлақларга бўлиб, тузли сувда чайиб олинг, сўнг майда тузга ботириб олиб, кеч тушганда арқонга осиб, шабада жойга қўйинг. Эрталаб гўшtlарни ечиб олиб, катта идишга солинг ва устини дока билан



Гуанчжоуда ўтказилган XVI Осиё ўйинларида иштирок этган дзюдочиларимизнинг ҳар бири (7 нафар) совринли ўринларни қўлга киритиб, барчамизга қувонч ҳадя этишганди. Яқинда Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича Гран-при мусобақасида ҳам Ўзбекистон терма жамоаси пухта ҳозирлик кўрганини тасдиқлади. Дзюдочиларимиз икки олтин, бир кумуш ва икки бронза, жами беш медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни нақд қилиб қайтишди.

## Дзюдочиларимизнинг дадил одимлари

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) ташкил этган нуфузли мусобақада дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатидан келган уч юз нафарга яқин дзюдочиларининг ўринлар ва 2012 йили Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун баҳсларга киришишди.

Вазни 100 кг.гача бўлган дзюдочилар беллашувларида юртимиз шарафини

ҳимоя қилган «Осиё ўйинлари — 2010» совриндорлари — Рамзиддин Саидов ва Ўткир Қурбонов ҳал қилувчи финал учрашувида юзма-юз келишди. Яқинда Рамзиддин Саидов олтин, Ўткир Қурбонов кумуш медал билан тақдирланди.

90 кг. вазн тоифасида таамига чиққан Хуршид Набиев мисрлик Карим Афибий, словакиялик Милан Рандл, россиялик Кирилл Денисов,

қирғизистонлик Чингиз Мамедов устидан соф галабага эришди. Олтин медал учун ўтказилган сўнгги баҳсда жаҳон чемпионати совриндори — Роберто Мелони (Италия)ни икки дақиқада мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўта оғир вазнли дзюдочилар мусобақасида қатнашган Абдулла Тангриев нидерландиялик Люк Вербий, бразилиялик Давид Моура устидан қозонилган галабалар эвазига бронза медални қўлга киритган бўлса, Улғбек Норқобилов озарбойжонлик Тарлан Каримов ва жаҳон чемпионати финалчиси — испаниялик Сугой Уриартени енгиб, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Адҳам АРСЛОНОВ

### Дзюдо



### Касаба уюшма спорти

## «Саломатлик» спартакиадаси

Баркамол авлод йили муносабати билан ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида Тошкент тиббиёт академиясида ташкил этилган «Саломатлик» спартакиадаси қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.



Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ҳамда вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши томонидан ҳамкорликда қабул қилинган қўшма қарор асосида ўтказилган мазкур тадбирда қатнашчилар волейбол (эркаклар ва аёллар ўртасида) ҳамда енгил атлетика турлари бўйича беллашдилар.

Яқиний натижага кўра, волейбол (эркаклар)да Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар Бекобод шаҳар ҳамда Оҳангарон туман тиббиёт бирлашмаларига насиб этди. Аёллар ўртасида кечган баҳсда эса Бекобод шаҳар жамоаси биринчи, Ўрта Чирчиқ тумани жамоаси иккинчи, Янгийўл тумани учинчи ўринга муносиб топилди.

Енгил атлетика мусобақаларида Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоасига етадигани топилмади. Иккинчи ва учинчи ўринларга Оҳангарон ва Бўка тумани жамоалари лойиқ кўрилди.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Акмал ЭРҒАШЕВ



### Текис майдондаги «юмалоқ» хангомалар

Футбол мураббийи фарзандли бўлди. Лекин эртага уни жуда муҳим ўйин кутиб турибди. Шунинг учун мураббий туғуруқхонага майдонга тушмайди, ўйинчини жўнатди. Ўйинчи туғуруқхонадан қайтиб келиб, таассуротлари ҳақида гапириб берди: — У худди сизнинг ўзингиз. Кичкинагина, бақалоқ, ҳеч нарсани тушунмайди, фақат бақиргани-бақирган.



— Телевизорда футбол кўришга ошиққан эрга хотин деди:

— Ўйин натижасини радиодан эшитдим, истасангиз айтишим мумкин.

— Жим ўтир! Ўзим кўрмоқчиман....

— Кўрсангиз кўраве-ринг, менга нима, барибир гол уришмайди.



Хужумчи Гурзиев усталик билан куч ишлатиб, пенсионер чолни ортда қолдириб, ҳеч қандай қийинчиликсиз автобусга чиқиб олди!!!

### Ўзбек жанг санъати

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида ўзбек жанг санъати бўйича болалар, ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақаси якунланди.

### Давлат дастури доирасида

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Ўзбек жанг санъати федерацияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Шарқ яққакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш республика маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 500 нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

Ўз вазн тоифасида бухоролик Ф.Жамолов, М.Жумаев, Ф.Карамов, Ҳ.Фармонов, фарғоналик М.Одилжонов, К.Хусанов шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Хотин-қизлар ўртасида андижонлик Г.Холмирзаева, фарғоналик Г.Абдурахимова, наманганлик М.Усмонова, жиззахлик Х.Воҳидовага тенг келадигани топилмади.

Умумжамоа ҳисобида бухоролик спортчилар биринчи ўринни эгаллашди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ

### Тиббиёт ходимлари баҳси

Спорт — фасл танламайди. Ўз саломатлигини муҳофаза қилишга интилан ҳар бир инсон жисмоний машқлар билан мунтазам равишда машғул бўлади. Шу боис ўзини руҳан тетик, кучли ва бардам ҳис этади.



Яқинда ўтказилган Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ходимларининг аънавий спартакиадасида ушбу фикрлар яна бир карра ўз исботини топди.

Спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, шашка, арқон тортиш ва оилавий мусобақа каби 8 турини ўз ичига олган беллашувларда вилоят тиббиёт профлактика муассасаларида ишловчи 800 нафардан ортиқ ходим фаол қатнашди.

Мурасасиз курашлар остида ўтган бел-

лашувларда вилоят клиник касалхонаси жамоасининг пухта тайёргарлик кўргани яққол кўзга ташланди. Улар енгил атлетика, шахмат, шашка мусобақаларида барча рақибларидан устун келишди. Умумжамоа ҳисобида ҳам энг юқори натижага эришиб, бош совринни қўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар Жондор ҳамда Вобкент туманлари тиббиёт бирлашмалари жамоаларига насиб этди. Ғолиблар вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Ш.СУЛТОНОВ,  
Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш  
ходимлари касаба уюшма  
кенгаши раиси



Унда Қарши давлат университети ҳамда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти талабалари бир неча спорт турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

Қизлар ўртасида ўтган волейбол, арқон тортиш, енгил атлетика, арм-рестлинг, стол тенниси баҳсларида ҚДУ жамоасининг қўли баланс келди. Шунингдек, университет йигитлар жамоаси стол тенниси, қўл тўпи, стритбол ва шахмат беллашувларида ҳам рақибларидан устунлик қилишди.

Шахмат мусобақасида ҚДУ талабаси Акмал Файзуллаев, қизлар ўртасида ҚМШИ толибаси Гулгина Ҳайдаровага омад кулиб боқди. Шашка бўйича ҳар иккала ўйинда ғолиблик муҳандислар жамоаси вакиллари Ризокул Раҳматов ҳамда Дилобар Пирназаровага насиб этди.


Яқинда қўлга киритилган галабалар сонига кўра кўча кубок Қарши давлат университети жамоасига топширилди. Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Институтимизда спорт билан шуғулланишга барча шароит бор, — деди ҚМШИ талабаси Ирода Янгибоева. — «Касаба уюшма кубоги» учун мусобақаларини ҳар йили орзиқиб кутамиз. Ўтган йили умумжамоа ғолиблик бизга насиб этганди. Бу йил Қарши давлат университети жамоаси баҳсларга яхши тайёргарлик кўрганини намойиш этиб, кубок соҳибки бўлди. Келгуси йил кўча кубокни қайтариб олишга ҳаракат қиламиз, албатта.

— Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши бугунгидек спорт мусобақалари ҳамда турли кўри-нишдаги рағбатлантириш ишлари билан талабаларнинг яқин ва ғамхўр ташкилотига айланган, — деди ҚДУ талабаси Ойбек Қодиров. — Муҳими, ушбу тадбир талабалар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз

## Алло, сизни «тинглашяпти»!



30 ноябр куни Германияда телефон сўзлашувларининг ноқонуний тингланиши бўйича «Deutsche Telekom» компанияси ходимлари устидан қўзғатилган жиноий иш якунланди. Асосий айбдор — компаниянинг хавфсизлик хизмати бошлиги Клаус Т. уч ярим йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

рияти жалб қилинган бўлса-да, ишончи ва Клаус Т. иш бўйича ягона хизмат айбланувчи бўлди. Бошқа айбланувчиларнинг ишлари эса (улар орасида «Deutsche Telekom»нинг етакчи менежерлари ҳам бор эди) тўхта-тилди ёки алоҳида жараён сифатида ажратилди.


Судланувчи сўзлашувларни ноқонуний тинглаш, фибригарлик, компания раҳба-

да айбдор деб топилди. Дастлаб компаниянинг бир неча ходими терговга

Европа Иттифоқи комиссияси «Google» компаниясига қарши антимонопол ишини бошлади.

## Навбат «Google»га келдимиз?

Комиссия «Google» компаниясини бозордаги устунлик ҳолатидан фойдаланиб фирром рақобат олиб боришда айбламоқда. Хусусан, компаниянинг қидирув тизимида натижаларни реклама ҳамкорлари фойдасига бузиб кўрсатишда ҳам гумон қилмоқда.



Айни пайтда Еврокомиссия «Google» компаниясининг минтақадаги штаб-квартирасига текширув ишлари ўтказилиши ҳақидаги ҳужжатларни юборган. Компания вакиллари эса бу борада комиссия билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирган.

Текширув ишлари Еврокомиссияга шикоят билдирган бир қатор компаниялар аризаси бўйича олиб борилади.

Канадалик аёл интернет тармоғи фойдаланувчиларидан ўзининг бўлажак фарзандига исм топиб беришни сўраб мурожаат қилди. Аралаш турдаги молларни интернет орқали сотишга ихтисослашган маҳаллий «FabFind» сайти бу борада аёлга ёрдам беришга бел боғлади.

## «Исминини ма қўяйлик?»



«FabFind» маъмуриятининг маълум қилишича, 34 ёшли Ромма Алпинеллининг мурожаати ҳақида унинг оиласига хизмат кўрсатувчи сайт агенти хабар топган. Бироз вақт ўтгач, агент Алпинелли ва унинг турмуш ўртоғи Робертга шундай мазмундаги эълонни «FabFind»да жойлаштиришни таклиф қилган.

Натижада, сайтда қизчага исм таклиф қилиш имконияти яратилган махсус веб-саҳифа пайдо бўлди. Ҳозиргача бўлажак ота-онага жами 1300 та исм тавсия қилинган бўлса-да, улар ҳали бирортасини танлаганича йўқ.

Айни пайтда рўйхатда биринчи ўринда Ария, иккинчида Мелания, учинчи ўринда София исмлари турибди. Қизчанинг эса декабр ойининг бошларида, яъни бир неча кун ичида туғилиши кутилмоқда.

## «Тиниб-тинчимаган одамлар-эй...»

Севишган жуфтлик ярим йил давомида 85 марта никоҳдан ўтиб, Гиннеснинг рекордлар китобига кирди. Марк ва Дениз Даффилд-Томас олти ой давомида дунёнинг бир нечта мамлакатда тўй маросимини ўтказишди.

Марк ва Дениз тўй саёҳатларини ташкиллаштирувчи компания ишга олганида, уларда рекорд ўрнатиш имконияти ўз-ўзидан пайдо бўлди. Компания ходимлари ёшларни 30 мингта номзодлар ичидан танлаб олишди ва уларни «тўй тестерлари» деб номлашди.

Аслида, 2008 йилда никоҳдан ўтган Даффилд-Томасларнинг асосий вазифаси дунё бўйлаб кезиб, турли жойларда тўй қилиш ва маросим натижалари ҳамда таассуротларини ҳисобот тарзида компанияга юбориш эди. Бу иш учун жуфтликка ярим йил муддат берилди. Севишганлар 2010 йилнинг май ойида Нью-Йоркда «хизмат вазифаларини» бажаришга киришишди.




ядаги тўйлари бўлган.

АҚШ, Ирландия ва Занзибардан ташқари ёшлар Австралия, Таиланд, Маврикия, Индонезия, Иордания ва бошқа бир қатор мамлакатларда бўлишган.

Марк ва Денизнинг ҳикоя қилишича, Занзибардаги тўй улар учун энг романтик, ажойиб бўлган. Энг ғайриоддий ва қийини эса 43 даража иссиқда ўтган Ирландия

## Тамаки рекламаси тақиқланди

Украина юқори радаси мамлакатда тамаки маҳсулотлари рекламасини тўлиқ тақиқлаш ҳақидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишдан сўнг маъқуллади. Депутатларнинг фикрича, тамаки рекламаси чекувчилар сонининг ортишига сабаб бўлади.



Лойиҳа кучга кирганидан сўнг мамлакатда тамаки маҳсулотлари ва ишлаб чиқарувчиларининг ОАВ ва интернетдаги рекламаси тақиқланади. Шунингдек, текин сигарет тарқатиш акциялари, турли лоторейлар ташкиллаштириш, танловлар ва тадбирларга ҳомийлик қилиш ман этилади.

## ҒАЛАТИ АУКЦИОН

Австралия почта хизмати эгаси топилмаган жўнатмалар ва бандероллар аукционини ташкил этишга қарор қилди.



Бу ғалати кимошди савдосида бензин билан ишлайдиган арра, болалар каравоти, ўйинчоқлар ва турли заргарлик буюмлари, кийимлар ва почта хизмати омборларида сақланаётган бошқа турли-туман эгасиз буюмлар сотувга қўйилади.

Аукцион бошқарувчиси Тим Бартнинг маълум қилишича, кимошди савдосидан тушган барча маблағ саратонга чалинган беморларга ёрдам берувчи хайрия ташкилоти ҳисобига ўтказилади.

Эстонияда 1 декабрдан евро пул бирлигига ўтиш кампанияси бошланди. Чоршанба кунидан бошлаб Эстония кронасини мамлакат МБ курси бўйича (1 евро 15,65 крона) истаган банкда алмаштириш мумкин бўлади.

## Эстонияда пул бирлиги ўзгаради

Янги валютага ўтиш ҳақидаги қонунга кўра, 1 январдан бошлаб евро Эстониянинг расмий пул бирлиги ҳисобланади. Шунингдек, янги йилнинг дастлабки икки ҳафтасида тўлов опера-

цияларини крона билан ҳам амалга ошириш мумкин.

Эстония Евроҳудудга кирувчи илк Болтиқбўйи давлати ҳисобланади. Ягона пул бирлигига ўтиш ҳақидаги қонун

мамлакат ҳукумати томонидан 2010 йилнинг март ойида қабул қилинган эди. Май ойида эса Еврокомиссия Эстонияни валюта иттифоқига киритишни тавсия қилди.



Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади

## Хунармандчилик



Шундай хунар эгалари борки, улар игнага ип қадаб, матога кўз нурини тўкиш орқали қадр топишади. Бухоро шахрида фаолият олиб бораётган Бухоро зардўзлик фабрикаси «Заркон» масъулияти чекланган жамиятининг қўли гул усталарига нисбатан бу сўзларни бемалол қўллаш мумкин. Улар томонидан тайёрланган зар чопонлар тўй-хашамлар безаги бўлаётгани ҳам сир эмас.

## Игна билан топилган қадр

Раҳимжон Хўжаев бошчилик қилаётган Ойша Темирова, Майрам Азизова, Муқаддас Бозорова, Мухаррам Ражабова, Матлуба Жумаева, Қаҳрамон Яҳёев каби бир гуруҳ хунармандларнинг қалб кўридан сайқал топган зар чопонлар ва зар пардалар Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Вазирлар Маҳкамаси, Республика Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа вазирликлар томонидан харид қилиниб, республика миёндаги бир қатор маданият ва санъат саройларида кўрганнинг кўзини қувонтириб турибди.

«Заркон» зардўзларининг таъкидлашича, бу хунарни мукамал эгаллаш учун камида икки йил вақт керак бўлади. Мамлакатимиз Президентининг 2006

йил 11 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида «Заркон» масъулияти чекланган жамиятининг ташаббуси билан Бухоро шахрининг ўзида фаолият олиб бораётган 45 нафар хунарманд уста-шоғирд дастури доирасида ёшларни иш билан таъминлаш баробарида уларга зардўзлик сирларини ҳам чуқур ўргатиб келмоқда. Жумладан, буюртмаларни сифатли бажариш мақсадида Бухоро шахри, вилоят ва туманларида яшовчи хотин-қизларга касаначилик билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган, дастгоҳлар, хом ашё билан таъминланган.

Шунингдек, зардўзлик касбини ривожлантириш учун Вобкент туманида касаначи зардўз Бе-



гим Элмуродова, Шофиркон туманида Саломат Жабборовалар ҳам «Заркон» масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузишган. Бугунги кунда уларнинг қўл остида 20 нафардан ортиқ хотин-қиз ўзининг бўш вақтида зардўзлик сирларини ўрганиш билан бирга, бажарган ишлари учун касаначи томонидан иш ҳақи ҳам олишмоқда.

1938 йили ташкил қилинган Бухоро зардўзлик фабрикаси 2004 йилдан хусусийлаштирилган бўлиб, ўтган йиллар давомида ишчилар сони 15 ба-

раварга ошиб, 2500 миллион сўмга яқин соф фойда олинган.

Бугун аёллар ва эркеклар учун тикилган зардўзи чопонлар, зар дўппилар, зар гиламлар, зар пардалар ва чойнак пушаклар кириб бормаган хонадонни топиш қийин. Бу Бухоролик зардўзларимизнинг ўз ишларига қай даражада масъулият билан ёндашаётганликларидан далолатдир.

Назира БОЙМУРОДОВА,  
«Ishonch» мухбири.  
Муаллиф олган суратлар.



## Рассом табассуми



Шавкат МУЗАФФАР чизган суратлар

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Kichkintoy orzusi» (ОКОНХ 17210, ИНН 301700171) хусусий корхонаси тугатилади.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб тўрт ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун тел: 527-73-14

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси «Шифокор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори Саодат Жалиловага онаси **МАТЛУБА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси жамоаси уюшма консултанти Мурод Раҳмоновга укаси **СОЙИБЖОН РАҲМОНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир:  
Абдухолик  
АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Алла Долженкова,  
Анвар Юнусов,  
Довуд Мадиев  
(Бош муҳаррир ўринбосари),  
Жаҳонгир Шарофбоев  
(масъул котиб),  
Маъмура Адилова,  
Нормамат Аллаёров,  
Носирхон Акбаров, Ойсулув  
Нафасова, Пиримкул  
Қодиров, Соғиндик  
Ниетуллаев,  
Шамси Эсонбоев

Бизга кўнғирок қилинг:

Котибият: 256-52-78  
Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят мухбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;  
Бухоро + 99893 653 50 81;  
Жиззах + 99872 360 00 10;  
Навоий + 99893 725 46 40;  
Самарқанд + 99866 933 25 04;  
Сурхондарё + 99897 458 05 07;  
Фарғона + 99891 679 32 79;  
Қашқадарё + 99897 414 30 78  
Қорақалпоғистон Республикаси  
ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0116-рақам билан рўйхатга олинган.  
IBM компьютерлари теринди ва захираланди.  
Офсет усулида босилди. Бичими А-3.  
Ҳажми 4 босма табак.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,  
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.  
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг  
сешанба, пайшанба  
ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан  
фарқлиши мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда  
«Ishonch»дан олинганлиги  
кўрсатилиши шарт.  
Тижорат аҳамиятига молик  
материаллар (D) белгиси остида  
чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

Ш.Абдусаматов

Мусаххих:

С.Шодиева

Саҳифаловчи-  
дизайнер:  
Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш  
вақти - 21.00  
Топширилди - 20.30

Буюртма Г— 1151

Тиражи: 11200

ISSN 2010-5002

1 3 4 5